



# HURRIYAT


MUSTAQIL GAZETA

O'zingni angla!

Chorshanba, 21-oktabr, 2009-yil • №45 (646) • 1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## УЙ АСЛИДА КИМНИКИ?

Озода Холматовга тегишли бўлган уй-жой ҳозирда учинчи бир шахс тасарруфида. Кўп бор судларда қайта-қайта кўрилиши, Тошкент вилоят ва Чирчиқ шаҳар прокурорларининг протестларига қарамай 2002 йилда "Тошмулксавдо" универсал биржаси орқали имзоланган 2559-рақамли олди-сотди шартномаси ҳамон ўз кучида қолмоқда. Лекин...



⇒ 4-бет

## "HURRIYAT" DA "XANDALAK"


Тўйларда ўзининг бирорта тайинли кўшиги йўқ "бирровчи"лар кўпайиб кетди. Ахир, бунинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидаси бор. "Бирров"да асосан, машхур, атоқли санъаткорлар юради. Келиб бировнинг кўшигини айтиб кетиш нотўғри. Айниқса, ёш санъаткорларимиз бу ҳақда умуман ўйлашмайди.



⇒ 5-бет

## ТОҒЛАР ОЛИСДАН АЁН КЎРИНАДИ

Кунлардан бир куни ҳеч қутилмаганда ўша ҳаммага таниш бўлган машхур шляпада Шукур ака хонамиз эшиги остонасида пайдо бўлди. Ҳамма ака мен суҳбат қурмоқчи бўлган "тирик классик"нинг ўз оёғи билан кириб келганига ишониб-ишонмай, Шукур акага илтифот кўрсатиб, у киши билан куюқ саломлашди-да, бизга шароит яратиб бериш учун бўлса керак, ўзи хонани тарк этди.



⇒ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Мишлен Кальми-Рэй хонамини қабул қилди.

Мулоқот чоғида долзарб халқаро сийёсий ва минтақавий муаммолар муҳокама қилинди.

12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳаларга ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишни мақсадли Фарғона вилоятида бўлди.

16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2009 йил 13 февралда республика Хукуматининг мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

16 октябрь куни Тошкент шаҳрида Шапхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксигерор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

## БУГУН ОНА ТИЛИМИЗГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

*So'z durki, nishon berur o'likka jondin.  
So'z durki, berur jonga xabar jonondin.  
Insonni so'z ayiladi judo hayvondin.  
Bilki, quhari sharifroq yo'q ondin.*



## МИЛЛАТ ТИМСОЛИ, ХАЛҚ ФУРУРИ

Маърифатпарвар аждодимиз Абдурауф Фитрат "Иштирокию" газетасининг 1919 йил 12 июндаги 32 сониде эълон қилинган "Тилимиз" номи мақоласида шундай деб ёзди: "Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шoirлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили яна шу туркчадир".

Чиндан ҳам ўзбек тилининг кенг имкониятини илғай олган ижодкор унинг эътирофи этилиши, эъзозланиши истагани ҳақли эди. Бугун эса ана шундай эзгу орзуларнинг рўёбга чиққани — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига йигирма йил тўлди.

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори Бахтиёр МЕНГЛИЕВ билан суҳбатимиз кишилик жамиятида тилининг пайдо бўлишидан тортиб, ўзбек тилининг қадим тарихи, бугунги, қолаверса, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида бўлди.

— Ўзбек тилининг қадим тарихига эгалиги кўпчиликка маълум. Аммо ҳамма ҳам унинг чуқур илдизидан хабардор эмас. Суҳбатимиз аввалида тилимизнинг пайдо

бўлиш тарихи ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Маълумки, ўзбек тили бошқа туркий тиллар билан умумий илдизга эга. Қарлуқ қавмларининг лаҳжа-

лари турли даврда ўғуз, уйғур, қипчоқ каби туркий, шунингдек, эроний, араб, мўғул каби нотуркий қавм вакиллари лаҳжаларини ўзига сингдириб, IX-X асрдан эътиборан бошқа туркий тиллардан фонетик, лексик-грамматик жиҳатдан фарқланувчи тил сифатида ажралиб чиқа бошлади. Ўзига хос шакл-шамойилдаги бу тил мустақил тараққиётга юз тутган. Ассий негизини Ўзбекистон ҳудудида яшовчи туркий халқнинг қарлуқ тоифасига мансуб аҳоли ташкил этган қорахонийлар давлатининг ўрнатилиши ва унда расмий сарой тили сифатида, Маҳмуд Қошғарий таъбири билан айтганда "турки хоқоний"нинг эътирофи этилиши юқоридаги фикрнинг далилидир.

(Давоми 5-бетда.)

## АДЛИЯ МИНБАРИ

## ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан биридир

Инсоният тарихи урушлар, турли офатларнинг таҳлика-ли таҳдидларини кечиб ўтиб тараққиётнинг глобаллашув даврида янада юксак чўққиларда турибди. Бир нарса аён, башариёт ўз ўтмишида неки талафот кўрган ёки ривожланиш, тамаддун довлонларидан ошган бўлса, бу барча воқеаларда инсоният турли қатламларининг хоҳиш-иродаси, мақсади, манфаати намоён бўлиб келган.

Дунё глобаллашувининг кенг қамровли имкониятлари, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг бекиёс қулайликлари бугунги жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиздир. Шу билан бирга бу имкониятлар турли ёвуз мақсадларни кўзлаган кимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қўлмушларининг кенг тус олиши, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам восита бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечирishiга хавф солиб турибди.

Шу боис жаҳонда бу жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш кўлами тобора кенгаймоқда. Бинобарин, бу муҳим жиноятларнинг туб илдизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини топташ, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қимматига таъжовуз қилиш ва умуман ер юзи халқларининг ўз ватанида овоз яшашдек ҳуқуқини поймол этишига қаратилган.

Хусусан, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларидан дунёдаги барча мамлакатлар қайсида

даражаларда жабр кўрапти. Бу эса ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Соддароқ айтганда, сайёрамизнинг қай нуқталарида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган бу иллат инсониятнинг оғрикли муаммосига айланди. Шу сабабли, ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишнинг қатъий чораларини кўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сийёсий зарурат даражасига кўтарилди.

Ер юзиде кенг тус олиб улгурган бундай халқаро хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунини таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиши ва унинг олдини олишга оид меъёрлари умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келади. Бу аввало мустақил мамлакатимизнинг Бош қомусида «демократия умулминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» деб қатъий мустаҳкамланганида ёрқин акс этади. Конституциямизга мувофиқ: «**Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмас.**»

(Давоми 3-бетда.)

## ОБУНА — 2010

## Устоз ва толиби илм

Толиби илм пири қомилдан сўради:

— Устоз, „Hurriyat“нингизни бериб турсангиз. Унда яхши мақолалар эълон қилинган дейишяпти.

Пири қомил деди:

— Ҳа, бундан газета сўрайвермай, ўзинг ҳам обуна бўлгин-да, бўтам.



Унутманг, „Hurriyat“ — сизнинг эркин минбарингиз!

Эслатиб ўтамиз:

„Hurriyat“нинг нашр индекси — 233

## ДУНЁ СИЁСАТИ

## Депутатлар даромади текширилмоқда



Бу юк Британия солиқ хизмати мамлакат парламенти депутатларининг даромадлари ҳамда харажатларини текшириб кўрмоқда. Бунга депутатларнинг давлат бюджети маблагларини ўз шахсий манфаатлари йўлида сарфлашаётгани борасидаги тортишувлар сабаб бўлди. Таъкидлаш кераки, жорий йилнинг баҳор ойида

„The Daily Telegraph“ нашри депутатларнинг ўз уйлари таъмирлашда, хизматкорларига иш ҳақларини тўлашда ҳамда бошқа шахсий харажатларини давлат бюджети орқали амалга ошираётгани тўғрисидаги бир қатор давомли мақолалар босиб чиқаргандан сўнг ушбу можаорлар авж олди. Натижада бир неча депутат истеъфога чиқарилди.

(Дунё хабарларига оид материалларнинг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

Газета „Ўзбекистон ҳаво йўллари“нинг авиаконкомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.



## САЙЛОВ — 2009

## ЭНГ ОЛИЙ ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТ

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишнинг олий шаклидир. Президент И.Каримов мамлакатимизда ҳуқуқий давлат куриши ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифаларини ифода этиб таъкидлаганидек: „Биз ана шу эзгу мақсадлар сари иттилоётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош тамойили бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.“



олий қонунчилик органи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли ва ўрни анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар бўлиб ўтади. Бу истиқбол йилларида давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилади-

ган тўртинчи сайловдир. 1994, 1999, 2004 йилларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайловлардан фарқли равишда, бўлажак сайловлар сифат жиҳатдан тамомилан янги сийёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилади. Жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида мамлакатимизнинг

2 »

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ЭНГ ОЛИЙ ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТ

(Бошланғич 1-бета.)

Шу аснода мустақил давлатимизда ўзига хос миллий демократик мактабга асос солиниши халқаро миқёсда бунинг тан олиншига, ҳатто, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда қолаверса, ўзгаларни қойил қолдириш даражасида бунга эришиши ҳам тақозо этади. Бундай ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни изчил ва тизимли ташкил этиш пировардида ўзгалар ҳавас қилиб, андоза оладиган сайловларнинг муҳим шартидир, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими, сайлов тамойилларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш, олий қадрият сифатида унинг ролини янада ошириш имкониятини яратди. Ватанимизнинг демократик қадриятларни ёзозлаган юрт сифатида халқаро ҳамжамиятдаги обрўси, нуфузи ортиб бораётгани сайловларнинг халқаро стандартлар талабларига риоя этишда ҳам яққол гавдаланади.

Миллий демократик тараққиёт моделининг афзаллигини халқаро ҳамжамиятга намойиш этиш сайловлар жараёнида янада яққол кўзга ташланади. Миллий манфаатлар устуворлигининг таъминлини, кучли иқтисодий кучдорлик ва маънавий салоҳиятга эга бўлиши, буюк давлат мустақиллигини ҳар томонлама ҳимоя қилишга эришишда демократик қадриятларга содиқликнинг аҳамияти беқийсдир. Бошқача айтганда, истиқлол ва демократияга содиқлик нафақат олий саодат, балки мустақил тараққиётга эришишнинг муҳим гаровидир.

Амалдаги сайлов қонунчилигимизга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссияларининг яхлит ва мустақил тизимли сайловларга тайёргарлик

кўриш ва ўтказиш бўйича кенг қамровли ишларни бошлаб юборганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бўлажак сайловлар арафасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан босқичма-босқич тадбирларнинг тизимли амалга оширилаётгани ва унинг мониторингини юритилаётгани ўз навбатида бундай ижтимоий-сиёсий тадбирнинг тартиб-таомилларига ҳам тўла-тўқис риоя этиш имкониятини яратмоқда. Қолаверса, илк мартаба тайёргарлик бундай тарихий-ҳуқуқий ҳужжат бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг асосий принциплари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаб берди.

"Сайлов" нимани англатади? Бу саволга оддийгина жавоб берадиган бўлсак, давлат бошлиғи Президентни, ҳокимиятнинг вакиллик органи, жамоатчилик ва бошқаларни овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. Сайлов — энг олий демократик қадрият. Бундан-да олий қадриятни инсоният ҳали кашф этгани йўқ. Шу боис, сайлов халқчил, инсонпарвар институт бўлгани боис ҳар бир шахсоннинг Ватанга меҳр-муҳаббатини, эрки, хоҳиш-иродасини ўзидан ифода этади. Ҳуқуқий маънода хоҳиш-ирода заминида очкилик, ошкоралик ва эркилик асосида сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ҳам мумкин бўлган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг тартиб-таомиллари умумэтироф этилган халқаро ҳужжатлардаги демократик талабларни бажаришда ҳам эркин намоён бўлади.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келиши, унинг демократик талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб беришидан далolat беради. Жамиятнинг янгилаш ва демократлаштириш жараёнида сиёсий партиялар ролини кучайтиришнинг конституциявий асослари яратилгани демократик жараёнларнинг мамлакатимизда ўзига хос ва мос ҳолда амалга оширилаётганини аниқлатади.

Демократик тараққиётнинг босқичма-босқич тақомиллашуви ўз навбатида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам камбарчас боғлиқ. Сайловлар орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида фаол қатнашиши эркин намоён бўлади. Сайлов ва сайлаш ҳуқуқи — Ўзбекистон Республикаси фуқаролар ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Бу ҳуқуқ жамият ва давлат ҳаёти учун нафақат сиёсий, балки юридик аҳамиятга ҳам эга. Давлат фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш баробарида уни ҳар томонлама муҳофаза этишни ҳам таъминлайди. Давлат ва ҳуқуқ феномени жиҳатидан сайлов ҳуқуқининг фуқаролар томонидан амалга оширилиши ҳуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурий атрибутидир. Фуқароларнинг тенг сайлов ҳуқуқи кафолатлангани уларнинг демократик жараёнларда фаол иштирокини таъминлабгина қолмасдан бир хил ҳуқуқий мақомда иштирок этишга имкон беради.

Демократик сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ҳар бир инсоннинг сайлов ҳуқуқларини ўз хоҳиш-иродаларига асосида эркин билдиришини тақозо этади. Эркинлик демократик сайловнинг муҳим белгисидир. Шу эркинлик

заминида фуқаронинг хоҳиш-иродаси ҳеч қандай ташқи таъсирсиз уни амалга ошириши мумкин бўлмаган. Сайловчиларнинг эркин-хоҳиш билан амалга ошириш уларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқи моҳиятидан ҳам келиб чиқади.

Демократик сайловларни ташкил этишда ошкораликнинг аҳамияти катта. Сайлов ва ошкоралик тушунчалари бир-бири билан узвий алоқадордир. Сайлов жараёнида ошкораликни таъминлашда унинг бир қатор кафолатлари ҳал қилувчи мезон бўлиб ҳисобланади. Биринчидан, ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, иккинчидан, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, учинчидан, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақида доир ахборотини олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари айтиш жоизки, тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилиниши ҳам ошкораликнинг эркин намунасидир. Миллий сайлов қонунчилигимиздаги "очиқ" ва "ошқора" категориялари демократик сайлов жараёнининг ўзгариш ташкил этади. Шу ўринда демократия тушунчаси заминида сайловнинг муҳим принципи бўлиб ҳисобланган ошкоралик ҳам ўз ифодасини топади. Ошкоралик фуқароларнинг демократик гоя ва интилишларини рўйбаг қиришда муҳим омил бўлиши билан бир қаторда уларда ватанпарварлик, миллий истиқлол қадриятларига ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқлик руҳи

да тарбиялашда, энг муҳими, ўзининг тақдирини хоҳиш-иродани эркин билдиришини намоён этишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Фуқаролар сайлов ҳуқуқининг моҳияти шу билан изоҳланадики, энг аввало, уларга тегишли бўлган бу ҳуқуқ сиёсий ҳуқуқ, бошқача айтганда, эркин-хоҳиш билдириш ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи бўлиб ҳисобланган сайлов ҳуқуқи уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳадаги гоя ва қарашларини ифода этиш имкониятини яратди.

Бизга маълумки, истиқлолнинг 18 йиллик даври мобайлида сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида амалга оширилган ишларнинг қўлима беқийсдир. Шу маънода ифтихор билан айтиш мумкинки, бўлажак сайловлар мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг янада либераллаштирилиши ва тақомиллаштирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни сиёсий партияларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишдаги роли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бевосита аҳолининг сайлов жараёнида иштирок этиш имкониятини янада кенгайтиради. Ушбу қонундаги янгиликларнинг моҳиятига кўра, парламентнинг қўли палатасида сиёсий партияларнинг вакилликни кенгайтириш мақсадида депутатлар ўринлари 120 тадан 150 га етказилди, шу билан бирга 135 нафар депутат худудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида, 15 нафар депутат эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси қонунига сиёсий

партиянинг ваколатли вакили институтини киритилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилиши, сиёсий партиялар сайловда иштирок этиши учун сайловларнинг имзоларини тўплаш тўғрисидаги талаблардаги чекловлар 50 минг имзодан 40 минг имзога туширилиши билан боғлиқ ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади. Дарҳақиқат, сайлов қонунчилигидаги бундай янгиликлар демократик талаб ва институтларнинг ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан босқичма-босқич ривожланиб бораётганининг эркин далилидир.

Мухтасар қилиб айтганда, истиқлолнинг 18 йиллиги нишонланган 2009 йилда бўлажак сайловларнинг янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилиши ўз навбатида, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришнинг, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлашнинг реал имкониятини яратди. Шубҳасиз, сайловларнинг юқори демократик савияда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ва миллий қонунларимизга мувофиқ тарзда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мамлакатимизнинг демократик янгилашдаги, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ишчил олға боришдаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.**



### БОЛАЛАР МАТБУОТИ БАЙРАМИ

Пойтахтимиздаги Гафур Ғулум номлидаги маданият ва истироҳат боғида "Тулхан" журнали ҳамда "Тонг юлдузи" газетаси таҳририятлари томонидан мазкур нашрларнинг 80 йиллиги муносабати билан мактаб ўқувчилари шпирокида "Болалар нашрлари байрами" ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, халқ ёзувчилари Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, кўплаб таниқли шоир ва ёзувчилар, маданият ходимлари, ўқитувчилар ҳамда ҳар иккала нашрда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар иштирок этишди.



Сўзга чиққанлар мазкур икки нашр қарийб бир асрлик, ўзининг эзуликка чорлайдиган материаллари орқали болаларнинг маъна баркамол инсонлар бўлиб ўлайишларига катта улуш қўшиб келаятиганини алоҳида таъкидлади.

Байрам тадбирида болалар ижросида намойиш этилган куй-қўшиқлар, театрлаштирилган томошалар пойтахтимиздаги мактаблардан таширф буюрган ўқувчиларга бир олам кувонч бахш этди.

**Ҳосия КАРИМОВ,**  
**"Hurriyat" мухбири.**

### ХИВА ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Яқинда Франциядан бир гуруҳ сайёҳлар Париж — Урганч йўналиши бўйича махсус самолётда Урганчга таширф буюришди. Шу кунги Хива шаҳрида меҳмонларнинг таширфи муносабати билан тантаналар бўлиб ўтди. Сайёҳлар Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислом Хўжа минораси каби қадимий ёдгорликларни, кўплаб осори-атиқаларни катта қизиқиб билан томоша қилдилар.

Хива шаҳридаги сайёҳларга хизмат кўрсатишчи қатор меҳмонхоналар, умумий овқатланish шохобчалари, савдо расталари ишдан хорижликлар мампун бўлишди. Сайёҳлар махсус реклама сайтида Хива шаҳрининг қадимий манбалари ва бугунги аҳволи тўғрисидаги маълумотлар билан яқиндан танишини имкониятига ҳам эга.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**  
**"Hurriyat" мухбири.**

### Хўжайлида МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Хўжайли агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка қўмақлашчи маркази ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди.

Унда 67 та корхона ва фермер хўжайликлари, ташкилотлар ўзларининг 253 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Натيجида 205 нафар ёш ва ишсиз фуқароларга ўз касблари бўйича фаолият юритиш учун йўлланма берилди.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**  
**"Hurriyat" мухбири.**

### ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Ншон туманидаги Тарағай Баҳодир фермер хўжайлигида Қарши Давлат университети талабалари шпирокида "Абдулла Орипов сабоқлари" номли тадбир бўлиб ўтди.

Адиб-матридий кечлада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шпирок этиб, талабаларнинг саволларига жавоб қайтарди ҳамда янги шеърларидан ўқиб берди.

Қарши Давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муродулла Нормуродов шоир ижоди, унинг бутун ижтимоий-сиёсий, маданият-матридий ҳаётининг ўзидан акс эттирган асарлари ҳақида сўз юритди.

Анжуманда шунингдек, Республикада хизмат кўрсатган журналист Мурод Абдуллаев, вилоятда яқин қилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Холмуҳаммад Ҳасан, Мухаммад Очид ва Али Шивезлар ҳам иштирок этишди.

**Ғулум АБДИЕВ,**  
**"Hurriyat" мухбири.**

### КОМПАНИЯНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Ўзбекистондаги етказиш ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири Carlsberg Uzbekistan янги Sarbat Strong номли маҳсулотини савдога чиқарди. Ушбу бренд устидан иш олиб борилад экан, истеъмолчиларнинг истак ва талабларини сичқовлик билан ўргангилди. Натيجида қаҳрабо рангли ичимлик яратилди. Тўқ тилда рангли янги пиво пластмасса шиша бўлиб, ҳажми 1,25 литрга тенг. Янги маҳсулот хушбўй ҳид ва таъмага эга. У Европанинг қадимий аъёнлари асосида ишлаб чиқарилган пиво сифатларини ўзидан акс эттирган. Sarbat Strongни тайёрлаш топда энг сара соловдан фойдаланилган.

**Матқуб НАРЗИЕВ,**  
**"Hurriyat" мухбири.**

## Солиқ сиёсати: ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ

Республикамиз солиқ тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг замирида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, тадбиркорларга фаолиятини кенгайтириш учун катта имконият яратиб бериш каби бир қатор вазифалар бор, албатта. Мирзо Улугбек туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги "Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий таъминот ва ижтимоий сурғуртага бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ягона йиғма ҳисоб рақамида жойлаш, нафақалар ва компенсацияларни тўлаш харажатларини молиялаш ҳамда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига маблағларнинг тўлиқ тулиши ва ўз вақтида сарфлашини устидан назорат таъминланмоқда.

Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва тўловлар давлат солиқ йиғимларига тенглаштирилди. Аниқ мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида туманда фаолият кўрсатаётган бюджет тўловларини тўловчи юридик шахслар сони 5418 та ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари эса 2019 та бўлиб, улардан бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларни амалга ошираётган юридик шахслар 4662 тани ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари 1290 тани ташкил этади. 370 та юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган имтиёзга эга бўлиб, бюджетдан ташқари мақсадли тўловлардан озод этилди. Шунингдек, туманда қасанчаликни ривожлантириш учун 14 та корхона фаолият юритмоқда. Уларда 102 та иш ўрни ташкил этилган. Ишчиларга 67,6 млн. сўм иш ҳақи ҳисобланган. Корхоналарнинг ҳисобланган иш ҳақидан олинмадиган мажбурий тўловларга қўланилган имтиёз суммаси 44,2 млн. сўмни ташкил этади.

**М. СОЛИЕВ,**  
**Мирзо Улугбек туман ДСИ бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга маблағ тўлаш бўлими бошлиғи.**

## Яқка тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкаларини бериш тартиби

**Уй қуриш учун ер участкаси олмоқчи эдим. Бунинг учун қимга ва қандай тартибда мурожаат этсам бўлади?**

**Азизбек Ҳамидов**  
**Тошкент вилояти.**

Яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси — бу қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашган жойга, ҳуқуқий режими ва давлат ер кадастрида акс эттирилмадиган бошқа тавсифларга эга бўлган яқка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер фондининг бир қисмидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган "Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида Низом"га асосан 2008 йил 1 январгача яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерлардан белгиланган тартибда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оилага 0,06 гектар (6 сотих)гача мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Ўтган йилнинг 1 январидан бошлаб яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари кимосиди қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади. Яқка тартибда уй-жой қуриш мақсадида ер участкаси олиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза берилади. Унга ариза бериувчининг доимий яшаш жойи бўйича турар жойларнинг кадастр иши нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда) ва маҳалла ёки қишлоқ (овул) фуқаро-

лар йиғинининг оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотномаси илова қилинади. Ариза туман (шаҳар) ҳокими бошчилик қиладиган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия томонидан кўриб чиқилади. Комиссия таркибига "Ергеодекадастр" давлат қўмитаси, табиати муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш органлари, санитария-эпидемиология хизмати, фуқаролар йиғинлари вакиллари ва бошқа шахслар киритилади. Комиссия ариза олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ер участкаси беришнинг мақсада мувофиқлиги ёки ер участкаси беришни асосли равишда рад этиш тўғрисида хулоса чиқаради. Белгиланган тартибда кимосиди савдосида фуқароларга ер участкасини сотишда комиссиянинг қарори талаб қилинмайди.

Ер участкалари биринчи навбатда: — ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилаётган фуқароларга;

— Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ва қатнашчиларига; — байналмилал жангчиларига; — ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг оилаларига; — меҳнат фахрийларига; — ўзлари эғаллаб турган давлат турар жой фондининг турар жойларини шаҳар ва туман ҳокимликларига топшираётган фуқароларга берилади.

Туман (шаҳар) ҳокими комиссиянинг ижобий хулосаси асосида 10 кун муддатда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Ер участкасини кимосиди савдоси асосида сотишда ҳокимнинг қарори

### ҲУҚУҚ

НИГОХ

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

нафақат ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан биридир

(Бошланғичи I-бетда.)

стиқлол шарофати тўғрисидаги ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати тарзда озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлиди.

Мамлакатимизда трансмилий жиноятлар, жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан кўрилатган кенг қўламли чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асосларда ҳам ана шу мустақам тамойилларнинг амалий ифодалари мавжуд.

Шу ўринда 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида» ги Қонун қабул қилингани алоҳида қайд этмоқчимиз.

Энг муҳими, бу йўналишда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонуний ҳужжатлар, бир қатор дастур ва режаларга назар ташлаб, ҳукуматимиз мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу муҳим жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жуда қатъий ва жиддий чоралар кўраётгани, барча саъй-ҳаракатлар комплекс равишда амалга оширилатганини чуқур англаймиз. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатларга нафақат ҳуқуқий муҳофиза қилувчи идоралар, балки барча турдаги ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик жалб этилган. Зеро, ҳар қандай жиноий иллатга қарши курашиш ҳар бир инсонда ўз тақдири ва ҳаётига бефарқ бўлмаслик, бу масалада доимо ҳушёр ва оғоҳ бўлиш ҳиссини кучайтиришдан бошланади, десак янглишмаймиз.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим устувор вазифаларидан саналади, албатта. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнинг энг асосий бойлигимиз — халқимиз эканини назарда тутсақ, бу устувор вазифамизнинг тегин моҳияти, мазмунини янада ойдинлашди. Қолаверса, ҳар бир юртдошимизнинг бундай таҳликали таҳдидлардан холи яшаш жамиятимизнинг асосий бўлини бўлган оилаларда тинч-ҳотиржамлик, бағрибутунлик ҳукм суриши билан боғлиқлигини эътибордан қолдириб бўлмайди.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги қонунга мувофиқ одам савдоси жинояти билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳақкорлик одам савдосига қарши

курашишнинг асосий принциплари сифатида белгиланиши бежиз эмас. Мазкур қонунга биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ношарикат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига қўмақлашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши лозим.

Президентимизнинг бу турдаги жиноятнинг муҳим оқибатларидан асраш, химоялаш ушбу жиноий хатти-ҳаракатдан жабр кўрганларга амалий ёрдам кўрсатишига доир чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базаси яратилиши билан бир қаторда жамоатвий йўналишлар ҳам белгилаб олинган.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига асосан тўзилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси белгиланган Низом асосида бу борада кенг фаолият юритмоқда. Мазкур республика Идораларо комиссиянинг 2009 йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилиши кўзда тутилган тарғибот тадбирларига оид режаси аини пайтда ижрога йўналтирилган. Унга кўра тегишли вазирликлар ҳамда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Миллий хавфсизлик хизмати, Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази олдига қўйилган аниқ вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Республика Идораларо комиссия таркибига Адлия вазирлиги зиммасига ҳам шу йўналишда кенг қўламли тарғибот ишларини самарали тарзда амалга ошириш масъулияти юклатилган.

Булардан кўриниб турибдики, бу ўта долзарб, муҳим иш барча ташкилот ва муассасалар, айниқса, ҳуқуқий муҳофиза қилувчи идоралар ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига бефарқ бўлмаслик, бу масалада доимо ҳушёр ва оғоҳ бўлиш ҳиссини кучайтиришдан бошланади, десак янглишмаймиз.

Хусусан, адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси» асосида қилинаётган бир қатор амалий ишлар ҳақида сўзлаб, таҳлилий мулоҳазалар юритиш мумкин.

Кези келганда, дунё микёсида олиб қараганда одам савдоси жиноятдан айниқса, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўраётганига эътибор қаратиш жоиз. Шу боис тарғибот ишларимизга аҳолининг барча қатламларини

жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавияти, онг-тафакрурида тўғри қарашларни мустақамлаш, болалар ва ўсимирларга жиноятчиликка алданиб қолмаслики содда, тушунарли ва ишончли тарзда тушуниришга жиддий ёндашилайти. Албатта, жойларда тарғиботнинг самарали ва таъсирчан услубларда ўтказилишини таъминлашдек зарур талаблардан келиб чиқиб иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда тадбирлар жараёнида мавзуга оид видеотасмалар, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланилмоқда, одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланиб жойларга тарқатилаяпти.

Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасининг тегишли бўлимлари га мувофиқ амалга оширилган бир қатор ишлар самарали бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимиз фуқароларининг чет элга иш-лаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан мақсадлат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Айни йўналишдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини рақамларда ифодалайдиган бўлсак, 2009 йилнинг январь-июль ойлари давомида адлия органлари ва муассасалари томонидан одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ оммаси орасида тушунириш юзасидан жами 2285 мартаба тарғибот тадбирлари ўтказилган. Ушбу тадбирларда одам савдосининг трансмилий жиноятларнинг бошқа турлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳам назардан четда қолмапти. Шу ўринда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганини эътибор этиш жоиз. Миллионлаб томошбинларни жамлаган телевидение, радио, кўп сонли мухлисларга эга бўлган газета ва журналлардаги кўплаб чиқишлар аҳолини бефарқ қолдирмапти, деб ўйлаймиз. Бу аҳолининг мулоҳазалари ҳамда фуқаролар қилаётган муножотларда ҳам ўз ифодасини топяпти. Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда фуқароларни огоҳликка ундаб, турли мақсадларда ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишини салбий оқибатлари мутахассисларимиз томонидан атрофлича, кўплаб ҳаётий мисоллар, жиддий таҳлилар асосида тушунириб берилмоқда.

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳар бир муножотини алоҳида назоратга олиш, ушбу муножотларни кўриб чиқишда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ФХД, нотариат, адвокатура органларига тегишли вазифалар юклатилган.

Худудий адлия идоралари томонидан ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чет мамлакатларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига

ёзма ёки оғзаки ҳуқуқий тушунириш ва ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг худудий идоралари ҳамда нодавлат ношарикат ташкилотлар билан ҳамкорлик чора-тадбирлари режаси амалиётига йўналтирилган.

Тошкент давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ қошидаги академик лицейда талабалар ва ўқувчилар учун мавзуга оид махсус ўқув машғулотлари жорий этилган ўсимирларнинг ушбу жиноят ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишлари, унинг мазмуну, ҳуқуқий оқибатларини англаб етишларида катта ёрдам берапти.

«Одам савдосига қарши курашиш — давр талаби», «Инсон озодлиги — олий қадрият», «Одам савдоси — миллатга хиёнатдир», «Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз» каби кўплаб мавзуларда юртимизнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ташкил этилган семинар ҳамда давра сўхбатлари кизгин мулоқот, фойдали фикр алмашувлар, савол-жавоблар тарзида ўтаётган бундай тадбирларни янада кенгроқ ва кўпроқ амалга оширишга ундайди. Одамлар билан юзма-юз, жонли мулоқотда бўлишнинг ўзига хослиги ҳам шунда. Бундай тарғибот тадбирларига ёшларни жалб этиш алоҳида назарда тутилган. Аксарият ҳолларда бир эмас, бир неча давлатлар доирасида жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган одам савдоси жиноятининг юртимизда чуқур илдиз отишига йўл қўймаслик, келажагимиз эгаси бўлган фарзандларимизни чегара билмас бу иллат домига тушиб қолмоқдан асрашимиз шарт. Буни адлия идоралари ва муассасалари ходимлари чуқур англаб, ҳар бир тадбирнинг қўтилган натижаларини беришини таъминлаш устида жиддий ўйлаб, масалга ана шу масъуллик ҳисси билан ёндашмоқдалар.

Таассуфки, халқаро уюшган жиноий гуруҳларнинг яширин иқтисодий даромад манбаига айланаб, миллион-миллион болалар, айниқса, ёш хотин-қизлар ҳаётига, соғлиги, қадр-қиммати га зорини бўлаётган бу муҳим жиноят кўринишлари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти. Унинг ҳар қандай кўриниши ҳеч бир фуқароимизнинг эртанги тақдирига, дахлсиз ҳуқуқлари, тинч ҳаётига жиддий таҳдид солиши, бу иллатнинг тизгинсиз тарқалишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳаётий таҳлиллар шунини кўрсатадики, бу чиркин жиноят билан шуғулланувчи кимсалар айрим ёшларни шохона қулайликлар, мўмай пул топишининг чексиз имкониятлари ҳақида қуруқ ва ёлғон ваъдалар бериб, алдаб, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш орқали уларни ўз қабих жиноятлари қурбонига айлантирадилар. Ҳатто ўз юртдошлари, қариндошларини ҳам бу қабихлик домига илтиришдан тўймайдиганлар ҳам борлиги ҳар бир инсонни ҳушёр қилиши шарт.

Ёшлар эртанги кунимиз эгалари, бизнинг келгуси бахту иқболимиздир. Мухтарам Юртбоши-

миз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир».

Яна шунини айтиш жоизки, мутахассисларимиз тарғибот тадбирларида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Қонун қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси га ўзгартиш ва қўшимча қилиш ҳақида» ги Қонунда белгиланган меъёрларни тушунириши ҳам жиддий назарда тутилган. Жумладан, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиб ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби қилмишларнинг ҳуқуқий оқибатларини, бундай ҳолатлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида батафсил маълумот бермоқдалар. Бинобарин, ўзлари танимган жиноятчи кимсаларга ҳаёлий бойлик илинжида эргашиб, боши берк кўчага кириб қолганлар улар томонидан мажбурий меҳнат ёки бошқа хизматлар, фахш билан шуғулланишига, эрксиз ҳолатда, тутқунликда яшашга мажбур этилапти. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишдек муҳим қабихликларга дучор қилинапти. Инсонийлик қиёфасини буткул йўқотган, бу муҳимликларни содир этаётганлар баъзан ўз юртдошларимиз бўлиб чиқаётганини ниҳоятда таассуфланарли ҳолидир.

Инсон яралибдики, ҳурлик, озодликка интилади. Ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришиш, бахту иқболини аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустақам химоясида кўради. Озодлик истаги нафақат инсон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотга тааллуқли бўлса, ажаб эмас. Оддий гиёҳнинг нурга қараб талпинишида бунинг ифодасини кўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гулгоши, унинг гуллаб-яшнаши, ер юзиде ўз ҳаётининг давомийлигига масъулдир.


У ўз тарихида кўрган ва бошидан кечирган қўлиқ тушунарчосининг ҳозирда бошқачароқ кўринишлари таҳдиди, хавфини сезиб, англаб турибди, бу жиноятдан жабр кўрапти. Жаҳон жамоатчилиги асримизнинг одам савдоси аталмиш глобал муаммоси қаршисида инсоният ақлзаковати, тарихий тафаккури, умуминилий ҳақида миллий қадриятларини қалқон қилиб, бу муҳим жиноятга чек қўйиш учун жиддий курашмоқда.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини одам савдоси ва унинг салбий оқибатларидан асраш олий қадрият саналмиш инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Равшан МУХИТДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

БАҒРИКЕНГЛИК

туфайли озодликка чиқаётганларга ижтимоий ёрдам сифатида моддий ёрдам кўрсатилиши билан бир қаторда, тиббий қўриқдан ўтказилиб, касаллиги аниқланган ҳолатларда даволанишга юборилмоқда. Шунингдек, озодликка чиққан фуқароларнинг иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, амнистия қўлланиши муносабати билан нафақат ўша шахсларга, балки шу орқали унинг оиласига, яқинларига, қариндош-уруғларига ҳам бағрикенглик кўрсатилмоқда. Ийгиликларни суяш, адашганларга тўғри йўл кўрсатиш эса халқимизга хос олижаноб фазилат саналади. Яқинда қўлланилган амнистияга мувофиқ Озод Азимов ҳам озодликка чиқди. Гулшоода ҚУРБОНОВА, журналист.



Жасорат керак, жасорат!

53 йилдан буён туман, вилоят ва марказий нашрларга мақола, шеър, ҳажваларим билан қўлашиб келаман. Турли вақтларда республика газетга-журналларида эълон қилинган «Усмоновнинг «Журналистика иймонидан соҳнада»», «Хўшмуҳаммадининг «Муаммонинг сичми бор»», «А.Жўраевнинг «Хамкоримиз — ҳақиқат, дўстимиз — ҳаётлик» каби мақолаларида ташкиллангандек, матбуотда иймон-эътиқодсиз, ношукру, муқбирларнинг пени қилиб тўйма билан иш қўрувчи, адолати ҳақиқатни четлаб ўтадиган айрим кимсалар матбуотнинг обрўини ўзгапти.

Ҳозирга келиб газеталарнинг сон республикамизда миндан ошди-ю, лекин уларда мазмуну бутун, ўткир таъкид, фельетонлар камайиб кетди. Кўп нашрлар мақтов, тўйхат, ахборот, реклама, эълон, олд-қонди ҳикоялардан нарина ўтолмайпти. Аксарият журналистларнинг шiori «Оч қорним — тинч қўлым» бўлиб қоландек. Бир нафар 10-15 тахаллуслар билан таъкид ва фельетонлар ёзган Ф.Юнус, А.Қодирий, А.Қаҳқор, Н.Аминов, А.Муқимов, Х.Тўхтасов каби кўрмас, юрғин бутун, халқпарвар журналистлар неча бутун унчалик кўринишмаяпти.

Ахир, муҳтарам Юртбошимиз матбуотга барча эркинликларни берган бўлса, Қолаверса, Президентимизнинг бу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ҳам алоҳида — журналист кўрмас, жасур ва адолатпарвар бўлиши кераклиги, керак бўлса, «Зимнат вазифасини ўзига мерос қилиб бериладек тушунайдиган» айрим бюрократ раҳбарларни фои қиладиган журналистларга қўриқ ортиб бораётганини беҳиз ташкилламайдилар-ку! Шундай экан, ўз шахсий манфаатидан жамият, эл-юрт манфаатини усту деб билмайдиган журналистлар, матбуот нашрлари ўз фаолиятларини сезиларли равишда жонлангирини керак, деб ўйлайман.

Тўри, баъзилар таъкид қилишидагина эмас. Танқид қилиш, муаммо кўтариш осонда, дейди. Аммо мен бу фикрга қўшиммайман. Одамларнинг ларду ҳасратини қилмаганда, илтифатларга қарши турмоқ ҳеч қачон осон бўлмаган. Зеро, муҳир фельетончи Худойберди Тўхтасов таъбири билан айтганда «Фельетон — жамият шифокори. У жамиятнинг қасрида дарди, касали бўлса аниқлайди, барлаб айтди ва жамиятни инқироздан сақлайди».

Нурбек РАҲИМ, Ўзбекистон тумани.

Маҳалладаги бебарволик

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Яланғоқ ота» маҳалласидеги бир ҳолат доимо ўтган-кестанининг кўнглини хира қилади. Сабоби: шундоққина катта йўлнинг юзиде санитария талбирларини умуман жавоб бермайдиган чиқиндиларга жойлашган. Ахлат солиш учун қўйилган уч-тўрт қўтининг аҳолини сўз билан таърифлиб бўлмайди. Батда чиқиндилар уч-тўрт қўтиб туриб қолади. Ундан аниқ-ётипан қўлланса худ йўлчиликларнинг тўлибини бузётганидан ташқари, шунга яқин жойдаги болалар ўйнайдиган майдонда кичкин-тойларнинг ана шу ҳовлида нафас олиши уларнинг саломатлигига нечоғи зарар келтираётгани ҳеч кимни ташвиша солмапти. Туман ободонлаштириш идораси мутаассадлари ҳам бу ҳолатга негиздан бебарво...

Нодира ХОЛМИРЗАЕВА, Тошкент шаҳри.

«Маошимни беришни исташмаяпти»

Мен кўп йиллардан бери Денов туманидаги «Уртақшолок» маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлайман. Табиатим шундай, доҳадикка чидай олмайдим, оқин қор дейиш — виждонимга хилоф. Маҳалламиз оқоқоқли Анвар Абдуллаевнинг ҳам камчиликларини юзига айтиб, инсофта қачирдим. Афсус, янги эри одамни тўғри йўлга солиб бўлмас экан.

Оқоқоқ дўстона фикрларимни бошқача тушуниб, мен илдан бўшатини пайна тунди. Ҳатто «Анбарой» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳамда туман ҳокимиятидагиларга ёмонлаш, менга тўхмат қилинганга борди. Йиғинчиларда мен илдан таъкид қилиб, ҳақоратладим. Кейин ҳеч қандай оғоҳлангиринсиз ваъфадан озод қилиб, ойлик маошларимни беришдан ҳам бош тортиди. Ҳақиқатини тиклайман деб турш идораларга ети ой қатнадим. Қизик, қасрга арз қилмай, у ердикларнинг бари оқоқоқининг ёнини ошидан чарчашмаяпти.

Жаляля БЕКНАЗАРОВА, Сурхондарё вилояти.

Зарурият

Ҳар қандай асришнинг савияси ҳаёт Навоийнинг ҳикметлари руҳига яқинлаша олмас экан, унинг ушбу зарурати томон бўлади. Биринчиди, ўқувчи умрини беҳуда елга соварди, иккинчиди, руҳи вақтинчалик ортинча юк бўлиб туради, учинчиди чин илми етишга тўқнаш қилиб фуқаролик кечиктириб юборади.

Демак, ҳар қандай асар ёзишга қаршиданган одам қалбини ноқил олаш лозим бўлади. Бунинг учун эса, аввало асар ёздадиганининг ўзи ҳикметларини ўқиб, ўқиб, амалда бажаришни йўлга қўйиб олишни муҳимдир. Айниқса, тарих дарсидаги биттадан муаллимлар бу заруриятнинг улдасидан чиқадиган ширинликларни тарқатди. Аке ҳолда, Фаробий ташкилланган, «Асарлар моҳияти, моҳиятсизлик эса — йўқлик» бўлиб қолади.

Турсунали ЮСУПОВ, Фарғона вилояти.

Эҳтиётсизлик баҳона бўлмас

Булбулнинг ширали овозига ишқивоз бўлган боғбон уни уйда сақлашни ниёт қилибди. Боғнинг энг сўлим жойига кафас қўйибди. Тонгда сайраган булбул кафасдан жой олибди. Боғбон яқинлашганда булбул тилга кирибди:

— Мана энди мен ҳам сенинг оиланг аъзосига айландим. Шундай экан, сенга бир яхшилик қилмоқчиман. Бир-бирига чирмашиб ўсаётган дарахтлардан бирини кўрсатибди.

— Ушбу дарахтнинг тағига бир хум олтин кўрилган экан, мен кўрдим. Уни қазиб олсанг, бир умр роҳат-фароғатда яшайсан, — дебди. Боғбон «роstmикан» деб дарахт тағини қавлаётиб булбул айтган бир хум олтинни топибди.

— Эй, доно булбул, мени хайратда қолдирдинг. Неча йилдирки мен шу боққа эгаллик қилиб келаман. Бироқ, бу бойлики сезмадим. Сен бўлса уни пайқабсан. Нега шу қадар

ўткир эҳтиётсизлик баҳона бўлмас? — Шаққолик қилма, инсон. Сенинг асиринг бўлиш, кафасда сайраш менинг тақдиримга битилган экан. Аллоҳ битган қисмат олдида эҳтиёт ўткир донолар ҳам ожиз қоланди. Албатта, бу бир ривоят. Лекин биз қўйида хикоя қилмоқчи бўлган воқеа инсоннинг масъулиятсизлиги оқибатида руй берган. Уни ўқиган одамнинг кўнглидан тақдирга ҳам баъзан инсоннинг ўзи сабабчи бўлади, деган фикр ўтиши табиий.

...Ҳаммаси қутилмаганда содир бўлди. У бир зумда жонидан азиз қўрадиган фарзандининг қотилига айланиб қолди. «Озодликдан махрум этилсин!» Суд мажлиси яку-

нидаги бу сўз уни ўзлугидан жудо қилиб, пешонасига қора тамғасини босди! У эса бутун эси-хушидан айрилади. Ўйгайвериб кўзлари нурсизланди қолган онаизорига, фарзандидан ажраб қолган хотинига сўнгги бор қарашга, хайрлашишга журъди етмади. Бунга ўзини ҳақсиз деб билди, тўғрироғи, Ич-ичи ачишиб, қалби тилка-пора, лажмурда вужуди эса пароканда бўлиб кетди. «Қани энди буларнинг ҳаммаси туш бўлса», дерди алам билан. Афсуски, бу аянчли ҳодисалар унинг ўнгида содир бўлганди. Суд залидан қўлларини орқага қилиб олиб кетишгаётганида ўзининг қора қисматига лантлар айтиди.

...Бир кун иш жойида кеч-гача ушланиб, одатдагидан кўпроқ чарчаган Озод Азимов уйига шовилди. Тезроқ уйига борса-ю, ўғли Уктамжон уни жажжи қўлачи билан маҳкам қучиб олса. Уктамжон ҳам дадасини эшик олдида кутиб олишга одатланган эди. Онаси Шахло уни қойиб, «Уйга кир» деган сўз билан беэор бўлиб, охири индамай қўйганди. Кўча бошида пойлаб турган боланинг «Дадам келди, дадажон!» деганча унга қараб ўқдай отилиб чиққанини биллади, холос.

Ўғлининг овози яқунламанасидан тормозини босди. Машинасига «тақ» этиб урилгач, аланарсадан хуши учди, кўз олди қоронғилашиб кетди, оёқ-қўли бўшашиб, ўзини йўқотди. Ўзига келганда кимдир ўғлини кўтариб олганди. Зудлик билан «Тез ёрдам» ча-

МУТЛАА

ТАДБИР

## ҲАЁТДАГИ "КҮРИНМАС ОДАМ"

Яхши китобнинг харидори ҳар доим топилади. Шунинг учун мен "Одамлар китоб ўқимай қўйди", деган гап-сўзларга унчалик қўйилмайман. Аммо кейинги пайтда совиясиз саёз китоблардан ўқувчиларнинг ҳафсаласи пир бўлаётгани бор гап. Бир марта фалон пулга китоб сотиб олиб, "огзи қуйган"лар иккинчи марта дўконга ўйлашиброқ боради.

чиғи, кейинги пайтда ижод майдониди бири-бирига ўхшаш мавзудаги саргузаштлардан иборат жилд-жилд "асарлар" тўплами чоп этилаётгани янгилик бўлмай қолди. Ҳозир асосан, маънавий мавзуларда бир хил нарсалар (уларни ижод маҳсули дейиш қийин Р.Х) ёзиб, нашр этириш урфга айланмоқда. Зўрма-зўраки, воқеалар ҳаётдан олиниш ўрнига ўйлаб топиб ёзилган бундай "асар"ларни ўқиган одам, айниқса, ёшлар улардан нимани ўрганади-ю, нималар ҳақида фикрлаши мумкин?

Яқинда поездда вагон кузатувчиси бўлиб ишлайдиган бир танишим 5-6 та саргузашт қўлёзмаларни китоб ҳолида нашр этириш эканини айтиб қолди.

— Бирдан ёзувчи бўлиб қолмасанми? — дедим ҳазиллашиб.

Кейин у менга бир сирни ошқор қилди. Айтишича, ҳозир бир неча саргузашт китобларини чоп этирган бир "ёзувчи" таниши унга борган жойидаги китоб дўконларидан саргузашт асарларини олиб келишни илтимос қилиб, пул бериши юбораркан.

Келтирилган китобларни ўзбекчага ўғираркан-да, ўзининг номидан чоп этираркан. Танишим сўзининг охирида шундай деди: — Энди ўзим ҳам китоб бизнесига ўтдим. Йўлини ўрганиб олдим, пулим эса бор.

Бу гапларни эшитиб ёқа ушлаш мумкин. Лекин, начора булар бор гаплар эди. Албатта, мен уни фикрдан қайтаришга уриндим. Аммо фойдаси бўлмади.

Дарҳақиқат, ҳозир ҳақиқий ёзувчи, шоирлар аҳён-аҳёнда битта китобини зўрга чоп этирса, "ёзувчи-бизнесмен"лар бир йилда 3-4 та "китоб ёзиб", пештахталарни тўлдириб ташлашапти.

Бу билан кимнингдир ижодий ишини камситмоқчи эмасмиз. Лекин танқидчи-ю, адабиётшунослар ана шу китобларни таҳлил қилиб, сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиб беришса, ижод майдонига адабиётнинг қанчалик қанчалар адабиётнинг ҳам ўз мезони, қонун-қоидалари борлигини англашармиди, деган савол туғилиши табиий.

Энди икки оғиз ёш ёзувчи Анвар Намозовнинг "Янги аср авлоди" наشريётида чоп этилган "Мен — кўринмас одам" фантастик-детектив-саргузашт қиссаси ҳақида. Очиги, бу асар китобсеварлар учун қутилмаган

совға бўлди.

Қиссадаги воқеалар бош қаҳрамон Сарвар образи орқали ҳикоя қилинади. Айтиш мумкинки, ёзувчи бундай усул билан анчагина мураккаб йўлни танлаган, лекин мақсадига эришган. Китобни ўқиган сари кўринмас одам ҳақида илгарича машҳур асар бутунлай ёдингиздан чиқади. А.Намозовнинг "кўринмас одам"и олимликни ҳам, машҳурликни ҳам даъво қилмайди, қишлоқдан чиққан оддий йигит. Устоз вафот этган, у сарвак билан охирига етмай қолган тажрибаларни лабораторияда давом эттиради.

Сарвар бир бойнинг қизига уйлانган, эртақлардагидай яшаш мумкин эди. Аммо у болалигида етим қолганида тарбиялаб вояга етказган холисини қариялар уйига топширишга рози бўлмади. Шу тўғрисида қайнотаси томонидан ўлимга мажбур этилган йигит сўнгги чорани қўллаб, кўринмас одамга айланади. У ўзининг қалтис қарорини шундай ифодалайди: "Мен ўзимдан кўра холимин кўпроқ ўйладим. Кўзи ожиз ҳолида не-не азобларга гирифторм бўлишини кўз олдимга келтирдим. Мени болаликдан катта қилган одамни ташлаб қўя олмасдим, албатта..."

Китобда бойликка рўжۇ қўйган одамларнинг ҳаёти сирдан ҳавас қилгулик бўлиб кўринса-да, аслида нақадар янгли экани ишонarli тасвирланади. Сарвар ўзининг кўзга кўринмаслигидан фойдаланиб, қайнотаси ва унинг гунаҳларини



манфур йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади. Одамийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик унинг қон-қонига сингиб кетган. У шунга ўхшаш кўпгина томонлари билан ибрат оласа арзийдиган образ сифатида кўз ўнгинга гавдаланади. Китобдаги қутилмаган воқеалар, тақдирлар, ечимлар гоёт қизиқарли тасвирланган.

Китоб Сарвар тилидан айтилган қуйидаги самимий сатрлар билан якунланади: "Одамлар, агар қайсибир ишингиз энгил кўчса, ажабланманг. Мен сизларга, барча-барчага ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Шундай бир йигит бор, у — кўринмас одам, деб ўйласангиз кифоя..."

Албатта китоб тили гоёт раво бўлса-да, айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, айрим ўринларда у ёки бу ҳолат ўқувчига янада тушунарли бўлиши учун энг майда деталларни ҳам ёзиш шарт эмасди, менимча. Мазкур қисса муаллифининг илк ижод маҳсули. Лекин бу китобнинг бадиий қиммати га пугур етказмайди. Бунга асарни мутлолаа қилган киши амин бўлади.

Рустам ХУДОЙКУЛ

## ИХТИСОСЛАШУВ

Журналистика соҳасининг тақомилига хизмат қилади

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2005 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ташкил этилган Олий журналистика курслари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу курсларнинг тингловчилари журналистикага иқтидори бўлган ва ОАВда материаллари билан қатнашиб келаётган бошқа соҳа мутахассислари бўлиб, улар икки йил давомида журналистика ихтисослиги бўйича чуқур ўлим олиб, амалиёт машғулотларини ўтказдилар, малака ва маҳоратларини оширадilar. Курсларни битиргач, уларга магистрлик мақоми берилади.

Тингловчиларга "Журналистнинг касбий одоб-ахлоқи" фанидан дарс берувчи олим Анвар Каримов амалий машғулотларга ОАВ раҳбарлари, тажрибали, ўзига хос мактаб яратган журналистларни тақлиф этиб туради. Яқинда факультет профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан шундай учрашув ташкил этилди. Унга Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов тақлиф этилди. Учрашув жараёнидаги суҳбат республика журналистлари олдига турган долзарб масалалар, йил охирида Ўзбекистон Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган

сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасидаги вазифалар тўғрисида бўлди.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, — деди уюшма раиси Ш.Гуломов, — ижтимоий ҳаётда, шу жумладан, сайловларни ўтказиш жараёнида сўз ва матбуот эркинлигининг қонун билан тартибга солинганлиги кўшимча тарзда одоб, шарм-ҳаё, гурур, бурч, масъулият каби ўзига хос жиҳатлар ҳам борки, журналист материалларни ўрганиши ва тайёрлашида уларга қатъий риоя қилиши керак.

Учрашув сўнггида Ш.Гуломов ва факультет декани Қ.Эрназаров талабаларнинг турли мавзулардаги саволларига баътафсил жавоб беришди. Журналистнинг маънавий қиёфаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалардаги ислохотларда уларнинг тутган ўрни, Ўзбекистон ОАВнинг халқаро телекран, радиотўқинларда, интернетда бот-бот чиқиб туриши тўғрисида кенг фикр алмашилди. Хусусан, Олий журналистика курсларини битирувчиларни иш билан таъминлаш, уларга аспирантура ўрнини кўпроқ ажратиш, бу маскани битирувчиларнинг мамлакат ҳаётидаги фалоллигини оширишга оид қимматли тақлифлар ўртага ташланди.

Кумри НАЖМИДИНОВА

## ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида "Hurriyat" мустақил газетасининг ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда газета жамоасининг режалари, ёш журналистларнинг матбуотга

бўлган бугунги муносабати ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

— "Hurriyat" газетаси таърифи билан мустаҳкам ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганимиз. Газета саҳифаларида талабаларимизнинг ижодий-илмий изланишлари тўғрисидаги материаллари ва мақолаларини ўқиб борамиз. Айни пайтда таърифта амалиёт олиб бораётган ёшларнинг қалами

чарқлиниб бораётгани ҳам бизни хурсанд қилади, — дейди доцент Сайди Умиров.

Тадбирда газета ижодий ходимлари ва талабаларнинг матбуот соҳасига оид билдирган фикр-мулоҳазалари иштирокчиларни баъфар қолдирмади. Учрашув сўнггида талабаларга таърифнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз

АВВАЛИ

## Идорага мактублар

Мухтарам муҳаррир афанди! Маним ёзган мақоламни жаридангизга муносиб кўриб дарж этмоқингизни ўтинаман.

## ТУРКИСТОН ХОТУН-ҚИЗЛАРИГА БИР САДО

Эй аҳли Туркистон хотун-қизлари! Камчилик ҳолингизни биргина назарга олдингиз! Асрлар ўтди. Одамлар ўзгарди. Эски одатларимизнинг фойдаси йўқлигин баъзи шафқатли эрлар тараҳхум юзасидан айтқонлари юракларимизни қон қилди. Қулоқ, бўйун ва сочларимизга тақиб юрган зийнатларимиз ҳозирги замона мувофиқ эмасдай ва аҳамиятсиз бир иш кўрунадир. Аввалдан бошлаб ҳалигача сафоҳат савдосига мубтало эдук. Хусусан оғир жисминизга гафлат уйқусида қолгон эди.

Ҳозирги замонамиз илм ва маориф олмаққа жуда кенгчилик кўрсатади. Бунга аҳамият бермасдан чора йўқдир.

Эй мусулмон қиз ва хотунлари! Инсоф кўзингизни очингиз! Ушал бўйингиздаги "қултук тумор" исмин олгон икки-уч қадоқ келадиргон занжирбанд, бир неча шода маржон, пешонангиздаги тилло бачка, бўйингизга тақон зебирардон ва ҳам бир сўмлик, ярим сўмлик ва бир неча майда тангаларга банд қилдируб осканингизнинг ҳеч бир фойдаси йўқдир. Шул беҳуда ва фойдасиз нарсаларга исроф этилган пулларни илм ва маориф йўлига сарф қилингиз! Уйдан уйга юруб бир-бирингизни гийбатин қилуб юрушларингиз дунё ва охирада асло дуруст эмасдир, ҳаммаси зарардир. Қайта-қайта айтманки, бу ишларингизни ташлангиз! Илм ва маорифка жон ва дилларингиз ила ёпишингиз! Эмди бас шунча гафлатингиз!

Пошшоҳоним ЖАЛИЛИВА "Садои Туркистон" газетаси, 1914 йил, 29 ўктябр, №45.

ИЗОҲЛАР: Пошшоҳоним Жалилованинг мактуби Ўзбек хотун-қизларининг миллий матбуотимизда босилган илк публицистик материалидир. Бу мазкур мактубнинг аҳамиятини белгилайди.

Дарж этмоқ — чоп этмоқ, нашр қилмоқ. Тараҳхум — раҳм қилиш. Сафоҳат савдоси — нодонлик иллати. Қадоқ — оғирлик ўлчови, 344,4 граммга тенг. Дуруст эмасдур — тўғри эмасдир маъносиди.

Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДҮСТҚОРАЕВ

2003 йилда фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига давлоғар Ирода Джуррабекова жавобгарлар Озода Холматова, Илхом Холматов ва Қибрай тумани ҳокимиятига нисбатан олд-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топши, ҳоким қарорини бекор қилиш ҳамда мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқлаш ҳақидаги давлоғар аризаси билан мурожаат қилади ва ушбу давлоғар аризаси 2003 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилиб, судья А.Мухиддинов томонидан ажрим қабул қилинади ва ишни кўриш 2003 йилнинг 18 ноябрга белгиланади.

Ушбу иш бир неча мартаба судларда кўрилган бўлса-да, ишга алоқадор томонлар юқори идораларга ариза ёзишда давом этишда. Жумладан, кўрилган суд ишларида жавобгар деб кўрсатилган О.Холматова ва унинг ишончили вақили Н.Саиддуновлар таърихиятига шикоят қилади билан мурожаат қилишиб, чиқарилаётган суд қарорлари ва ажримлардан норози эканликларини баён қилишган.

Газетон гап нима устида келтаётганини англаши учун масалани ҳудуд мафассалор ёритишга тўғри келди. Юқорида келтирилб ўтганимиздек, 2003 йил охирида фуқаро Ирода Джуррабекова фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига давлоғар аризаси билан мурожаат қилади. Ушбу давлоғар аризаси 2003 йил 10 ноябрда рўйхатдан олинб, судья А.Мухиддинов томонидан давлоғар аризаси юзасидан фуқаролик ишларини кўзга тутиш ҳақида ажрим қабул қилинган. Ушбу ўринда Джуррабекованинг норозилигига сабаб Озода Холматова ва унинг ўғли Илхом Холматовлар ўртасида 2003 йил 23 май кунини имзоланган № 250-сонли олд-сотди шартномаси эди. Негаки, Қибрай тумани "Янгиобод" қишлоқ фуқаролар йиғини Мирзо Бобур кўчасида жойлашган 14 рақамли ер участкаси 2002 йил 22 октябрда "TOSH-MULK-SAVDO" универсал биржаси орқали О.Холматовдан И.Джуррабекованинг номига №2559-сонли олд-сотди шартномаси орқали расмийлаштирилган.

Хамма гап шунданки, Илхом Холматов онасига тегишли бўлган Қибрай тумани, "Янгиобод" ҚФЙ Мирзо Бобур 2-тоқ кўчаси, 14-уй (ҳозирда 25-рақамли уй) ҳамда қайнонаси Д.Ганиевага тегишли бўлган Мирзо Бобур 1-тоқ кўчаси, 15-уй (ҳозирда 24-сонли) ларнинг қалбаки ҳужжатлар асосида гаровга қўйиб, "Аванбанк" (ҳозирги "Капиталбанк")дан 150 миллион сўм кредит олишчи бўлади. И.Холматов бу ишнинг уйдасидан чиқади ҳам. Биноларни техник рўйхатдан ўтказиш (БТИ) бўлимига уй-жойни сотиш учун Д.Ганиева ва О.Холматовга номида берилган 1479 ва 1480 рақамли аризалардаги имзоларни қалбақлаштириб, шу асосда кўчмас мулк биржаси орқали 248 ва 250-сонли олд-сотди шартномаларни тузади ва уларни ўз номига расмийлаштиради. 2003 йилда эса ушбу уй-жойлар ипотека шартномаси асосида гаровга қўйилади.

2003 йил 11 апрел кунини "Аванбанк", яъни ҳозирги "Капиталбанк" ва ўзи раҳбар бўлган "Илком Осво" МЧК ўртасида 3 йил муддатта 150 миллион сўм кредит пули акрилатилиш ҳақида 5-сонли кредит шартномаси имзоланиди (ушбу қаллобчи иш учун И.Холматов 2005 йилда унинг ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судининг қўқмага кўра, 12 йил муддатга озоқлиқдан маҳрум қилинган — У.Ғ.).

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди томонидан

2004 йил 20 февраль кунини кўрилган ишда давлоғар Джуррабекова Ирода Файзуллоеванинг давлоғар оиданлангиларида. Холматов ва Озода Юлдашев ва Холматов Илхомжонлар ўртасида 2003 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиали востачилигида тузилган 248 ва 250-сонли уй-жой олд-сотди шартномалари ҳақиқий эмас, деб то-

ҳолат

# УЙ АСЛИДА КИМНИКИ?

пилади. Мана шу нуқтада мазкур низоли ишга учинчи шахс: АТБ «Капиталбанк»нинг Тошкент шаҳар филиали ҳам бевосита аризаланиб қолди. Чунки юқорида келтирилб ўтганимиздек, И.Холматовдан И.Джуррабекованинг «ундириб» берилган мулкка аслида гаров востаси сифатида Қибрай тумани давлат нотариуси томонидан тақиб қўйилган эди.

Шундан сўнг, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг ҳукмидан хабар топган Озода Холматова (чунки Илхом Холматов бўлаётган суддан онасини ҳам, банкин ҳам хабардор қилмайд) ва банк мутасаддислари ипотека шартномаси асосида низоли хондон тақидда бўлгани ва тақиб ҳозирга қадр ечилмагани боис ушбу хондон И.Джуррабекованинг ушбу мулкнинг эмаслиги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда прокуратурага мурожаат қилишди. Чирчиқ шаҳар прокуратураси 2005 йил 25 июль кунини фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига мазкур ишга янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш ҳақида ариза киритди. Унда жумладан шундай дейилган:

«... Суднинг ушбу қарориди унинг юқорида қайд қилинган ипотека шартномаси асосида 2003 йил 23 июндан кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида таъминот сифатида тургани аниқланмаган ва текширилмаган. Суд ўзининг қароридида жавобгарларнинг давлоғар «розилигини», И.Холматов томонидан БТИ ходимлари «чагелитилгани» ҳамда «низолиларнинг алмашиб кетгани»ни юзаси асос қилиб олиб, иш бўйича асосий манфадатдор тарафини жалб қилмасдан ҳал қилув қарорини чиқаргани сабабли ҳам мазкур ишга қайта кўриш лозим бўлади».

Бундан ташқари, ушбу суд қароридан норози томон О.Хол-

матованинг ишончили вақили Н.Саиддунов эса Илхом Холматовга онаси томонидан «кредит масаласи бўйича» (И.Холматов шу ишончона билан судда иштирок этган — У.Ғ.) нотариал идораси орқали тасдиқлаб берилган ишончона билан 2559-сонли олд-сотди шартномасидаги имзолар бир-бирига умуман ўхшамаслиги суд эътибор бермаганини, аслида уша 2559-сонли шартнома қалбаки эканини даъво қилади.

Чирчиқ шаҳар прокуратурининг протестига жавобан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди 2005 йил 20 сентябрда ўз ажримини чиқарди. Ажримда шундай изохлар бор: "Иш юзасида ипотека шартномаси асосида 2003 йил 23 июндан кредитни қайтаришни таъминлаш мақсадида таъминот сифа-

ҳолат

ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди томонидан (судья А.Мухиддинов) 2005 йил 28 декабрда қабул қилинган қарорда «Капиталбанк»га туланган 150 миллион сўм кредит туланган деб кўрсатиб ўтилган.


Ушбу суд қарори қабул қилинган сўнг Озода Холматова ва Н.Саиддуновлар қассияга шикоят этишди ва унинг вақилари Тошкент вилояти кассация судлов хайъатининг 2007 йил 16 февраль кунини ажрим билан рад этилади. Шундан сўнг О.Холматова ва унинг ишончили вақили Н.Саиддунов фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судига назорат тартибидида шикоят билан мурожаат қилади. Бирок, суднинг 2007 йил 29 март кунини ҳаво хабар билан ушбу шикоят ҳам рад этилади.

Хўш, Озода Холматованинг судга эътирози нимада? У ари-

зада билдирилишича, шу кунчага бўлиб ўтган судлар масалала бир томонлама қараган. Биз юқорида келтирилб ўтганимиздек, 2559-шартнома ва Биноларни техник рўйхатдан ўтказиш бўлими (БТИ)га ёзилган 2930-сонли аризаларнинг ҳақиқий ақи ҳақиқий эмаслиги тахшунослик экспертизаси орқали текширилмаган. Бундан ташқари, можа-рога асосий сабаб бўлаётган 2559-сонли олд-сотди шартномасини расмийлаштирган «Тошмулксавдо» МЧЖ универсал биржаси директори О.Мирзажоновнинг биржа тасвирлари ва брокерлари билан олдидан ўзаро тил бириктириб, махсус рухсатнома олмастан фаолият юритиб келгани ҳам эътирозлардан бири. (О.Мирзажоновга нисбатан ушбу жиноий ҳаракати учун 2004 йил 31 май кунини Тошкент шаҳар Яккасарой тумани жиноят ишлари бўйича суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-модда 2-қисми, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми билан 1-277/04-сонли жиноят иши қўзғатилган ва О.Мирзажонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми ва 190-моддаси 2-қисми, «б» банди билан айбдор деб топилган — У.Ғ.) Айнан шу вақаларга асосланиб улар кейинчалик ички ишлар идораларига ҳам мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Бунинг нати-

жаси ўлароқ 2007 йил 18 сентябрь кунини жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судида очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур суд қабул қилган ҳукмда 2559-сонли шартнома ва БТИга берилган аризадаги имзоларнинг қалбақлаштирилгани очик-ойдин эътироф этилган.

Суд ҳукмидан кўчирма: «...И.Холматов ўзининг олдидан тузган гараз ниятларини амалга ошириш мақсадида 2002 йил 10 октябр кунини дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Тошкент вилояти, Қибрай тумани солиқ ТРКБ (БТИ) ходимлари билан жиноий тил бириктириб, гўёки 10.10.2002 йил О.Холматовга номида ёзилган №2930-сонли аризани тузади. Ушбу қалбаки ариза асосида эса Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Бешинор кўчаси 43-уйда




жойлашган солиқ «Тош мулк савдо» универсал биржаси ходими Ш.Акрамов ва бошқалар томонидан 22.12.2002 йил фуқаролар «сотувчи» О.Холматов ва «харидор» И.Джуррабековалар орасида №2559-сонли олд-сотди шартномасини тузишди. Ушбу уй-жой олд-сотди шартномаси Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро фуқаролик судининг қарори асосида ҳозирги кунга қадр ҳақиқий, деб ҳисоблаб келинган. Мазкур ҳолат юзасидан 13.06.2007 йилда ўтказилган судга оид тахшунослик экспертизасининг 3785/1-сонли хулосасига кўра 10.10.2002 йил сана-си ва №2930-сонли қайд этилган аризадаги имзо фуқаро И.Холматов томонидан бақари-лгани аниқланган».

ЯНА 2002 йил 10 октябр кунини дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Тошкент вилояти, Қибрай тумани БТИ ходимлари билан жиноий тил бириктириб, гўёки 10.10.2002 йил О.Холматовга номида ёзилган №2930-сонли аризадан фойдаланиб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Бешинор кўчаси 43-уйда жойлашган солиқ «Тошмулксавдо» универсал биржаси ходими Ш.Акрамов ва бошқаларга тақдим этиб, 22.12.2002 йил фуқаролар «сотувчи» О.Холматов ва «харидор» И.Джуррабековалар ора-



# ТАДБИРКОРГА ЭЪТИБОР — ИҚТИСОДИЁТ ПОЙДЕВОРИ

бу тамойил Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Тошкент вилояти бўлими фаолияти мезонига айланган



Мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат ва кенг қўламли ислохотлар аҳоли турмуш даражасини яхшилашни муҳим вазифа деб билаётган молиявий муассасаларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Фуқароларга қўлай, манфаатли ва малакали молиявий хизмат кўрсатиши даражасининг ривожланиши ва ўз навбатида банкларнинг тадбиркорларга иқтисодий таянч бўлаётгани фикримизнинг амалий ифодасидир. Шу маънода бугун молия муассасалари тадбиркорлик субъектларининг яқин кўмакчисига, молиявий мадад берадиган иқтисодий муассасаларга айланган, десак муболага бўлмайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Тошкент вилоят бўлими ҳам республика-миз иқтисодиётига муносиб улуш қўшаётган молиявий муассасалар сирасига кириди. Бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, мамлакатда амалга оширилаётган модернизация ишларига йўналтирилаётган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, банк хизматларини замон талаблари даражасида тараққий эттириш ҳамда сифатини ошириш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Бу борада аҳоли ва ми- жозларга бир талай тезкор, сифатли ва ишончли хизматлар кўрсатилаётган диққатга сазовордир.

Вилоятдаги кўпгина корхона-лар, фирмалар бош амалиёт бўлими- миз ва унинг еттига шохобчаси кўмакчи бўлиб, ўз иқтисодиёти- ни мустахкамлаб олмакда, — дейди банк бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Шукуржон Соиббердиев. — Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса асло хорижийликдан қўлинимайди. Рако- батбардошлиги, аҳоли эҳтиёжлари- га мослиги билан нафақат вилоят, балки республикамизда ҳам барча иқтисодиётчиларга манзур бўлаётти.

Мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, уларга турли қўлайликлар яратиш билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қув- ватлаш, самарали лойиҳаларни мо- ляялашда ҳам кўплаб хайрли, айни пайтда узоқни кўзлаб қилинган

ли кредит маблағлари ажратилди. Бундан мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Банк фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молия- вий қўллаб-қувватлашга доир ама- лиётлар устувор йўналишлардан бири ҳисоблангани боис банкдан кредит олиб, ишлаб чиқаришни ри- вожлантираётган, излаб, юртимиз иқтисодиётининг бойишига улуш қўшаётган ишбилармонларнинг ай- римлари билан суҳбатлашдик.

— Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Тошкент вилоят бўлимида мебель ишлаб чиқариш учун 130 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олгандим, — дейди "Виктория мебель" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Патид- дин Фазиллов. — Шундан сўнг иш- ларим олга силжиди. Бу менинг фаолиятимда ҳам, худуддаги аҳоли ҳаётида ҳам катта ижобий ўзгариш ясади. Сабаби жамоамиз аъзолари- нинг турмуш тарзи фаровонлаш- ди, қолаверса бир қанча иш ўри- лари яратилди. Бир сўз билан ай- тадиган бўлсам, фуқароларимиз уларнинг шинамчилигига, айниқ- са, эндигина оила қуриб, янги уйда энди ҳаёт бошлаган келин-куёв- ларга қувонч ҳада эътиборимиз- дан беҳад бахтиеримиз. Бунинг учун аввало давлатимизга, қолаверса, молия муассаса жамоасига чук- кур миннатдорчилик билдиришчиман.

Банкда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар қўлами ҳам ортиб бораётти. Дастурда белгилаб берилган усту- вор вазифаларни тўлақонли бажари- ш юзасидан ҳам кўп ишлар



ни ташкил этиш учун 216 миллион сўмлик маблағлар ажратилди. Шунингдек, Ва- зирлар Маҳкамаси- нинг "Ноозиқ-овқ- ат истеъмол товар- лари билан савдо қилишни тақомил- лаштириш чора- тадбирлари тўғри- сида"ги ва бошқа тегишли қарорлар- нинг ижросини таъминлаш бора- сида бозорлар фа- оلياتини ривож- лантириш, мод- дий-техника база- сини мустахкам- лаш, сотувчилар ва харидорлар учун қўлай шарт-шаро- итлар яратиш, ис- теймол товарлари- нинг чакана савдо- сини тартибга со- лиш бўйича кун тартибдаги қатор долзарб вазифалар босқичма-босқич урдаланиб борила- япти. Хусусан, маъзур соҳага 2617 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилгани ҳам унинг ривож- ига хизмат қилади десак мубо- лага бўлмайди. Бундан ташқари, банк миқдорлари 907 миллион сўмдан зиёд микрокредитлар, озиқ- овқат товарлари ишлаб чиқаришга эса 3 миллиард 421 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қув- ватлаш мақсадида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётти. Хусусан, ишбилармон хотин-қизлар- ни қўллаб-қувватлаш мақсадида 871 миллион сўмдан ортик миқдорда кредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фар- монини ижросидан келиб чиққан ҳолда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш ва уларни ка- питал реконструкция қилиш учун ҳам ипотека кредитлари ажратил- моқда. Шу мақсадда жорий йил моқда 1 миллиард 545 миллион сўм кредит йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Плас- тик картчалар асосида ҳисоб-ки- тоб қилиш тизимини янада ривож- лантириш чора-тадбирлари тўғри- сида"ги қарори ҳамда Президентининг "Ўзбекистон Республика- сида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ри- вожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қаро- ри ижросини таъминлаш мақсади- да бўлим томонидан пластик кар- точкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини яна- да ривожлантиришни рағбатланти- риш, улардан чакана савдода, ко- мунал хизматларга ва хизматлар- нинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маб- лағларининг банкдан ташқари ай- ланишини қисқартириш борасида- ги ишлар кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали вилоят миқдорида нақд пул айланишини қисқартириш- га эришилмоқда. Бу банк пластик картчаларнинг қўлайлиги, аф- залиги ва ишончлилигига, у орқали мамлакатнинг исталган жойи- да тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш мумкинлигига аҳоли ҳамда ми- жозларнинг ишончи тобора ор- тиб бораётганининг исботидир.

Хозирга қадар молиявий муассаса томонидан жами 155 193 та пласт- ик картчалар муомалага чиқарил- ган. Ҳисоб-китоб қилишнинг бу за- монавий усули орқали иш ҳақлари- ни олувчи корхона ва ташкилотлар сони ҳам кескин ўсиб, 497 тага етди ҳамда иш ҳақи лойиҳалари бўйича 12,2 миллиард сўм миқдордаги пул пластик картчаларга ўтказиб бе- рилди. Жойларда 343 та (шундан 15 таси банк шохобчаларида) тер- минал ўрнатилгани ва улар орқали 18,5 миллиард сўмлик пул айлан- малари амалга оширилгани ҳам со- ҳада амалга оширилаётган туб ўзга- ришларнинг махсули десак, янглиш- маймиз.

Молиявий муассаса томонидан Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари де- позитларига аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағ- ларини жалб этишни янада рағбат- лантириш қўшимча чора-тадбирла- ри тўғрисида"ги қарори талаблари юзасидан ҳам муайян ишлар амал-

Устозларни эслаш ва хотираларини ёдга олиш энг савоб иш. Халқимизнинг сеvimли санъаткори Отажон Худойшукуровни эслаганимда, у киши билан боғлиқ кўпдан-кўп ёруғ хотиралар ёдимга тушади...



## «МЕН СИЗЛАРДАН РОЗИМАН»

ёки бетакорр овоз соҳиби, ажойиб инсон Отажон Худойшукуровни ёд этиб

1980 йили Тошкентда ўзбекистон санъати де- кадаси ўтказилган. Унда мен созанда бўлиб қатнаш- гандим. Отажон Худойшуку- ров билан дастлаб учрашу- вимиз шу ерда бўлди. Бун- дай учрашуви кўпдан бери орзу қилиб юрардим. Ик- кинчи бор 1981 йилда қўришдик. У пайтда мен консерваторияда ўқиш бил- лан бирга Тошкент театр санъати институтининг ан- анавий хонандлик кафедр- асида ўқувчи бўлиб ҳам ишлардим. Бир кун Ота- жон аканинг аккордиончи- си Раҳимбой Отахонов кели- б, мени устоз сўраётган- ини айтди. У киши мени яши қайфиятда қўриб олди. Уша кун ўзи билан тўйга хизматга ҳам олиб борди. Ўзим ҳам ёшлигимдан хофизнинг шинавандаси бўлганимданми ёки ашу- лаларини хиргой қилиб юрганамданми тўйда завқ- шавқ билан соҳ қалдим. Шундан кейин биргаликда- ги ижодий фаолиятимиз бошланди.

1982 йили Отажон ака Тошкент театр санъати ин- ститутини, мен эса консер- ваторияни тамомладим. Менга аспирантура-стажер- лик босқичида ўқишга йўланма беришди. Ўқиш- ни давом эттиришни иста- магандим. Лекин устоз ўқиш- ни кераклигини, қан- дай ёрдам зарур бўлса тай- ёр эканини, бундай имко- ниётлар ҳамма вақт ҳам бўлавермаслигини уқтирди. Бу устознинг узоқни кўра биллиш қобилияти экан. Аспи- рантура-стажерликни сиртдан ўқиб, Хивадаги бо- лалар мусика мактабиди- ишламоқчи бўлдим. Шунда Отажон ака Урганчдаги Ма- тусулф Харратов номидаги мусика билим юртида иш- лашимни маслаҳат бериб: "Сенинг касбингни ёшлар ўрганиши зарур. Соҳангда мактаб яратишинг керак", деганди.

Бўш пайтларимизда устоз билан Амударё ўзанига бо- риб, балик овига чиқардик. Бу кўпроқ ҳаётнинг ик- ричкирларидан бироз холи бўлиб, тинч дам олиш учун қилинарди. Чунки Отажон ака қармоқ ташлаганида балик илинса, қармоқ бог- ланган жойидан ипини ке- сиш, ҳатто баликнинг ози- дан қармоқни ҳам суғуриб олмасдан (озор этмасин деб) қўйиб юборарди.

1987 йили Юнус Ражабий номи II республика ма- коми кўрик-танловидида мен кўшнай, сурнай, буломон- чогуларни бўйича қатнаш- дим. Ушбу танловда Отажон ака ҳайъат аъзоси эди. Қўшнайда "Таснифи дугоҳ" ни чалаётган пайтимда ҳайъат аъзоси Абдухоним Исмоилов сакраб қарсақ ча- либ юборди. Шунда Ота- жон ака хайрон бўлиб, «Аб- духоним, сизни бир нима қадимимиз?» деса, «Ха, мени кўшнайнинг ноласи қақди», деганди. Танловда мени биринчи даражали дипло- мга лойиқ, деб топилганида ҳам Отажон ака "Худди ўзим голиб бўлгандай бўлдим", деб биринчи бўлиб табрик- лагани ёдимда. Шундан сўнг устоз билан Самар- қанда, мусикашунослар-

нинг III Халқаро симпозиу- мида бордик. Бу нуфузли анжуманда Отажон ака су- ворани савтиси билан ижро этди. Мен Хоразм дугоҳ ма- комида «Пешрав»ни якка ижро қилишим керак эди. Халқаро саҳна бўлгани бо- исми ёки телевидение, ра- дио ва барча оммавий ах- борот воситалари қатнаша- ёгани сабаби қалбимни ҳаяжон босди. Юрагимдан кечаётган туйғулари сезган Отажон ака «Хозир саҳнага чиқиб, ҳеч нарса ни ўйла- масдан, худди менга куй ча- либ бераётгандай фақат менга қараб ижро қилгин» деди.

Мен бутун куй давомида устозга қараб қалдим. Саҳ- надан тушаётганда устоз хиз- мат ҳақини — қарсақларни қабул қилиб ол, деб ортим- га қайтаргани. Симпозиум пайтида Отажон ака чет эл- дан келган меҳмонларга зиёфат бермоқчи бўлди. Бунинг шарафига шогирди са- марқандлик ашулчи Эркин- бой ўз уйида меҳмондор- чилик қилмоқчи бўлди. Тай- ёрлик қўриб, Афғонис- тон, Эрон ва бошқа мамла- катлардан келган меҳмон- ларни олиб келишга бор- сақ, уларга руҳсат бериш- мади. У пайтларда руҳсат- ни Москвадан олиш керак эди. Умидларимиз сўниб, руҳимиз тушиб турсақ, бир пайт Отажон ака меҳмон- ларни ўзлари билан бош- лаб келди. Ушундан бир умр ёдда қоладиган ижодий учрашув бўлганди.

1990 йили устоз Хива- даги уйимизга келиб «Мат- расул, бу уйинг яши, ле- кин йигит киши умрида бир иморат қуриши, рўзгор қилиши керак. Хиванинг ба- ҳаво жойидан иморат қуриш учун жой ол», деб маслаҳат бериб. Мен қандай уй кура- ман вақт йўқ-ку, десам ҳам мени кўндирди. Охири ер олиб, Отажон акадан суюн- чи сўраб бордим.

Ха, бизни ўн беш йил- лик ижодий ҳамкорлик жуда яқинлаштириб қўйган эди. Гоҳи ашула жараёнида ус- тоз икки пауза ўрнига учта пауза қалай юборар эди. Мен дарҳол қўшна чалиш- дан тўхтаб, (йиллар даво- мида хотираманда ашула сўзлари сақланиб қолган) сўзни айтиб юборардим. Отажон ака сўз эсимдан чиққанини қаёқдан билдинг, деб сўраганида мен икки хиссиётим айтиб юбор деган- дай бўлганини, кўнглим сезганини айттардим. Шун- да устоз мени алқаб «Ана шунақа. Ҳамнафас, жўрна- воз дегани ижро қилаётган пайтда ашулачининг ичиди яшаши керак» деб миннат- дорчилик билдириб қўярди.

1990 йилларнинг охири- да орамиздан ҳеч гап-сўз ўтмаган бўлса ҳам Отажон ака мени йўқламай қўйди. Бир йилча у кишидан ҳеч қандай хабар бўлмади. 1991 йилнинг ёзида Ичан қалъадаги уйимизга устоз- нинг ўзи кириб келди. Ос- тонада туриб, «Мени кечир- санг, ичкарига қираман. Ке- чирмасанг, шу ердан қай- тиб кетавераман», деганди. Халқ артисти. Ҳамза муко- фоти лавреати, устоз санъ- аткор эшигимга келиб ту- ришининг ўзи мени довди-

ратиб қўйди. Устоз ичкари- га кириб, «Бизни биргалик- да чиройли соз қилиб юр- ганимизни кўра олмайди- ганлар ҳам бор экан. Шу- лар мени ҳар хил гаплар бил- лан чалғитиб қўйишди. Сен бўлмаган пайтда ансамб- лимга гижжак ҳам, най ҳам, ҳатто бошқа қўшначининг ҳам қақириб чалдириб кўрдим. Лекин сенинг ўринингни ҳеч ким боса ол- мади. Агар ўзимни қабул қилган бўлсанг юр, ҳозир «Ўзбектелефильм» мен ҳақимда фильм яратаяпти деб олиб кетди. Шу кун бирданга ўн тўрт ашула- ни тўхтамасдан эздик. Яна Хива тумани Оғажий жамоа хўжалигининг боғида ҳам бешта ашулани фильмга олишди.

Отажон Худойшукуров 1944 йил 4 октябрда туғил- ган. Биз ҳар йили 3 октябр- да у кишининг Тошкентда- ги уйида, 4 октябрда эса Тўртқулдаги уйида бу кун- ни нишонлардик. Ҳар икки жойда ҳам бу тадбир тўйга айланган кетарди. Таваллуд кун учун ҳеч кимга айтиш шарт эмас, биладиган ши- навандаларнинг ўзлари ке- ларди. Ана шундай эсда қо- ларли тадбирлардан бири — 1994 йил 4 октябрда Тўртқул шаҳрининг маданият саройида Отажон Худой- шукуровнинг эллик ёшга тўлиши муносабати билан жуда катта тантана ўтказил- ди. Концерт бошланишидан олдин устоз мени қақириб, шогирдлар жуда кўп, ҳар бирига иккита ашулага на- бат берасан, деб топшир- ди. Айтганини қилиб, вақт- дан қизганган бўлсам-да, тўрт ярим соат чўзилган кон- цертни одамлар мириқиб тингладим. Концертдан кейин устознинг ҳовлисида катта тўй берилиб, халққа ош тортилди.

Отажон ака умрининг кейинги пайтларида нима- гадир шошилангандай бўлар- ди. Бунинг сабабини эса ка- сал бўлиб қолганидан экан- ини кейин билдим. У ин- сон кўп доволанди. Барча шинавандалар хофизининг соғайиб кетишини сами- мий тиларди.

1994 йили 10 ноябрь куну Урганч туманининг Охунбобоев хўжалигида бир дўстимизнинг қувонч- ли куниди Отажон ака учта ашула айтди, мен жўр бўлгандим. Шунда шина- вандалар, кадрдонлар ми- ннатдорчилигини билдириш- ди. Устоз шундан қирқ кун- дан кейин бу оламни тарк этишини кўнгли сезгандай, «...Мен сизлардан рози- ман, сизлар ҳам рози бўлинглар», — деб бизлар билан хайрлашди. Устоз бетакорр санъаткор бўлиш билан бирга бағрикенг, са- мимий, меҳрибон инсон эди. Мени ўзига жуда яқин олар, биргаликда ҳасратла- шар, бир-биримизга худди ота-боладек меҳрибон эдик. Мен созандалик фао- лиятимнинг энг яхши дав- ри, деб Отажон ака билан биргаликда юрган чоғла- римни биларман.

Матрасул МАТЕКУБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



ишлар амалга оширилаётти. Бу- нинг амалий тасдиғини жорий йил- нинг ўтган 9 ойи мобайнида ми- жозларга малакали хизмат кўрса- тиш маданиятининг тобора юкса- либ бораётгани ҳамда бунинг на- тижасида банк жамоаси иш қўла- мининг кескин ошганидан ҳам би- лиш мумкин. Масалан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ри- вожлантириш учун 2,4 миллиард сўмлик кредит ажратилган бўлса, молиявий муассасанинг бош ама- лиёт бўлими ҳамда Газалкент фи- лиали томонидан қурилиш мате- риаллари ишлаб чиқарадиган кор- хоналарга 1688 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Шунингдек, «Дака омад» масъу- лияти чекланган жамиятига аҳоли- га тезкор тўлов хизмати кўрсатиш учун 600 миллион сўм, «Қурилиш бизнес барака» масъулияти чеклан- ган жамиятига шебен (шағал тош) ишлаб чиқариш учун техника со- тиб олишга 732 миң 847 АҚШ до- ллари миқдорига, «Bobur» хусусий масъулияти чекланган жамиятига гишт заводи қуриш мақсадида қурилиш материаллари сотиб олиш учун йиллик 300 миллион сўм миқдорига, «Bobur» хусусий корхонасига эса 150 миллион сўм, «Соф оқ олтин транс сервис» МЧЖ шаклидаги ММТПга 150 миллион сўм, «Юдуз» хусусий фирмасига сартарошхона хўжалиқлари олиши учун 50 миллион сўмлик имтиёз-

қилинди. Масалан, муқобил ёниги турларидан фойдаланган ҳолда ёни- ги тежовчи замонавий гишт заво- дини ишга тушириш учун 236 мил- лион сўмлик, қишлоқ жойларида за- монавий том ёпиш материалларни тайёрлайдиган объектларни ишга тушириш учун 110 миллион сўмлик, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ми- ни заводаларини ташкил этиш учун 50 миллион сўмлик, тадбиркорлик субъектларига иссиқхона ташкил этиш учун 800 миллион сўмлик, мини технология ва ихчам ускуна- лар ишлаб чиқариш учун 359 мил- лион сўмлик, қасаначиликни ривож- лантириш учун 55 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари йўнал- тирилгани фикримизнинг далили- дир.

Республикамизда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, аҳолининг гўшт, сут ва тухум маҳ- сулотларига бўлган талабини қон- дириш, қолаверса, жохон талаблар- ни ишлаб чиқаришни рағбатлан- тириш борасида ҳам молиявий му- ассасада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан фермер ва деҳқон хўжалиқларига четдан наслини қорамол олиб келиш учун жами 345,3 миллион сўмлик, пар- рандачилик хўжалиқларини ташкил этиш учун 42 миллион сўмлик, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳ- сулотларини сақлаш, қайта ишлаш билан шугулланувчи корхоналар-

Инномжон АБДИЕВ, "Hurriyat" муҳбири. ®

# МАЪНАВИЯТ

АЙТГАНЧА

## ТАЛАБА НЕГА ДАРСГА КЕЛМАЙДИ?

**Мана, бу янги ўқув йилида ҳам баъзи ёшларга талабалар бахти ва масъулияти насиб этди. Дарсларни шижоат билан бошладик. Бироқ янги ўқув йили бошлангачига анча вақт бўйида, баъзи кўрсаткичларидан ҳаётнинг қанчалик қўлини қўйиб...**

**Х**еч эътибор берганмисиз, кўп ҳолларда айбдор эмас, айбислар гап эшитиб юради. Яъни бир талаба дарсга келмас, унинг ўзи эмас, балки гуруҳдошлари дакки эшитидади. Деканат гуруҳ раҳбарига, гуруҳ раҳбари эса дарсга келиб ўтирган талабаларга "мурожаат" қилади.

Биз нега дарс қолдирамиз? Шу ҳақда ўйларканман, бир неча тахминий сабабларни топгандек бўлдим. Яъни, агар талаба: — бемор бўлса; — оиласида бирор жиддий муаммо бўлса; — ишласа; — ўқини хоҳламаса; — ўқини умуман қизиқмас; — домладан, ўқув даргоҳи назоратидан қониқмас; — дарс ёқмас; — ишонган "одами" бўлса, дарсга келмаслиги мумкин.


Бундай сабабларни яна кўплаб келтиришни мумкин. Аммо менимча, ўқини умуман қизиқмаслик ва универсitetдаги назоратни писанд қилмаслик сабаблари ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Чунки "олий маълумотли бўлиб, келажакда бирор касбни эгаллашган" деган инсон касаликни ёки оиласидаги баъзи муаммоларни баҳона қилмайди. Дарвоқе, шу ҳусусда биз бугун анча "илгарилар" кетганмиз. Чунки дарс қилишни хоҳламаса, эртасига домларимизга одат бўйича "чирок ўчиб қолгани"ни баҳона қилганда иккинчи кунга қайтиб келганда келмади.

Бундан бир неча йил олдин республика фан олимпиадасининг виллоят босқичида бир қиз билан танишиб қолгандим. Узини Зиёда деб таништирган бу қиз олимпиада синавлари давомида ўзининг билими ва иқтидорини намойиш этиб, кўпчиликнинг эътиборини тортганди. Кейинчалик уни университетга ҳужжат топшираётган пайтда учрайтиб қолдим. Биз бир факультетга ҳужжат топширдик. Ниҳоят, ҳажонли имтиҳон даври абитуриентларни ўз синавдан ўтказди. Қимларидир талаба бўлди, яна қимларидир тақдирга тан берганча ортга қайтди. Кейинчалик билсам, Зиёда ўқишга киролмаган экан. Университетга кириб, умуман "қорасини кўрсатмайдиган" курсдошларимга қараб (бундай талабаларнинг қандай йўли билан ўқишга киришганининг ўзи бир жумбоқ!), бир нарсани ўйлаб қолам.

Унинг ўрнига Зиёдадек ўқишга иштиёқман деб ёшлар қабул қилинганда, балки илм ҳам, даволат ҳам бўзлаб қолмасмиди? **Соҳиба МУЛАЕВА, ЎзДЖТ талабаси.**

Талабанинг дарсга қатнашиши бир тарафдан домларга ҳам боллиққа ўхшайди. Чунки талаба домланнинг юридадиган "сиёсат"га қараб иш қўради. Яъни, янги домла дарсга қатнашган экан, ўзидан олдин у ҳақидаги "данний"лар этиб келади. Талабалар

Бундан бир неча йил олдин республика фан олимпиадасининг виллоят босқичида бир қиз билан танишиб қолгандим. Узини Зиёда деб таништирган бу қиз олимпиада синавлари давомида ўзининг билими ва иқтидорини намойиш этиб, кўпчиликнинг эътиборини тортганди. Кейинчалик уни университетга ҳужжат топшираётган пайтда учрайтиб қолдим. Биз бир факультетга ҳужжат топширдик. Ниҳоят, ҳажонли имтиҳон даври абитуриентларни ўз синавдан ўтказди. Қимларидир талаба бўлди, яна қимларидир тақдирга тан берганча ортга қайтди. Кейинчалик билсам, Зиёда ўқишга киролмаган экан. Университетга кириб, умуман "қорасини кўрсатмайдиган" курсдошларимга қараб (бундай талабаларнинг қандай йўли билан ўқишга киришганининг ўзи бир жумбоқ!), бир нарсани ўйлаб қолам. Унинг ўрнига Зиёдадек ўқишга иштиёқман деб ёшлар қабул қилинганда, балки илм ҳам, даволат ҳам бўзлаб қолмасмиди?



**К**ўз илғамас бекиёс адирлар, юксак тоғлар, сўқмоқлар, тупроқ кўчалар, айниқса, ёшлик чогларингизда қалбингиздан жой олган бўлса, билгинки, энди умр бўйи уларнинг ёди ҳам сизни тарқ этмайди. Ҳаёт ташвиш-тахликалари аро бешик бўлиб улғайтирган қадрдон гўшаларни унутгудек бўлсангиз, энди улар тушларингизда намоён бўлиб, гоҳ ҳазин, гоҳ дилхуш ҳис-туйғуларга сизни гарқ этади.

Бу нима бўлсайкин? Бу саволга ҳар ким турлича, ўз бошидан кечирган ҳис-туйғуларига сунган ҳолда жавоб бергани маъқул. Фақат қиёсламоқчи бўлганим шунки, чин маънода улғ бўла олган айрим ёзувчиларнинггина асарлари ҳам сизни абадул-абад тарқ этмайдиган ҳодисалар қирасига қиради, уларга қайта-қайта қайтганингиз сари қайтигингиз келаверади ва улар жозибасининг сир-синоати нимада эканини яна ҳар ким ўз бошидан кечирган ҳис-туйғуларга сунган ҳолда ахтариб қўради. Шунда узоқлашгандек туюлган нарсалар яна сизга яқинлашади, абадийлик касб этади...

Шукур Холмирзаев насри деганда кўз унгимдан ана шундай манзара ўтади. Бу ёзувчининг "Олис юлдузлар остида" деган китобини ўқиганимизда ҳали мактаб ўқувчиси эдик ва ўқитганларимиз шундоқларга дереза ортида содир бўлаётгандек туюлиб, бизни кўчага талпинтириб-ошиқтирар эди. Бу китоб саҳифаларида тасвирланган ёшлар вақоа-ҳодисаларни мактаб партасида эмас, қандайдир тепалиқларга чиққолиб, боғ-роғлар кўйида, дараклар остида, шувёқ ҳиди анқиган даштлар бағрида чулдираган турғайлар навосига қўлоқ тўтган ҳолда мутолаа қилиш керакдек туюлган, йўқса, увол бўлиб қоладигандек эди. Бунинг устига, мана шу ўқитганларимиз тўғрисида бизга ўзимиз яшаётган муҳитнинг барча гузалликлари энди юз кўрсата бошлаган, уларни нима учун аввалроқ кўрмаганимизга ҳайрон бўлар эдик.

У қандайдир ўзаига аён бўлган сөҳр билан бизга яқинлашган, ўзининг бегона эмаслигини биргина имоси билан аниқлаб қўйган эди.

Чунки унинг "Тупроқ кўчалар"ида ҳар кун биз тенг-тўш болалар бир-биримизнинг қадам изларимизни ўлжаб

"Чол бугунги кун ҳам овқат емади. Кейинги кун ҳам. Ундан кейин..."

Умаллаб бориб, обрезага тўқади. Қўлини ювган бўлиб, устидан сув қўяди.

У... холдан тойиб, ўрнидан қимирломай қолди. Шунда ҳам туз тотмади. Энди келган овқатни тўшаги ёнида нос тупуриш учун қазиб қўйилган чуқурчага ағдаради.

У қарақт бўлиб қолди. Кейин ўғли, келини ва Садаф тўқасида кўзёши қилиб турганда, кетди.

Ҳаммани даҳшатга солган нарсаси — унинг юзида қотиб қолган табассум бўлди.

Тўй қолди... Ҳикоя тугади. Давоми-чи? Ор, ному... ўқувчи қалбини галаёнга солган ҳис-туйғуларнинг адоги бормикан? Ҳаётда шундай вазиятларда ким қандай йўл тутарди?

Ёзувчининг шафқатсиз кўзгусидан ким ўзининг башарасини яшира олади? Шукур Холмирзаев ўзи севган адаблардан бири Эрнест Хемингуэйнинг "Инсонни энгиз бўлмади" деган сўзларини бот-бот такрорлаб тургучи эди. Миллати, ирқи ва ҳаттоки динидан катби назар, инсон муқтаҳкам ҳилқат сифатида ҳар иккала Устанинг иходида турли қўри-нишларда намоён бўлар эди.

Шукур Холмирзаев Фафур Фуломнинг "Кўёш-ку фалақад кезиб юрибди..." деган сўзларини сарлавага чиқариб ажойиб бир ҳикоя ёзган эди. Бир маҳаллар, ҳали мазбуот юзини кўрмасидан аввал менга ҳикоя сюжетини сўзлаб бериб, шунақа ном қўймоқчи эканини айтгудди...

Бу ҳақда кейинроқ... Энди эса мен адиб билан бўлиб ўтган учрашувларимизнинг айримларини хотирланганман, қулғим остида унинг воқеликни бўямасдан-бежамасдан шундайлигига тасвирлаш ҳақидаги ўғитлари янграб тургандай бўлди.

Унинг қиёфаси кўз унгимдан нари кетмади. Шукур ака ўзаига хос жиддийлик билан "Бўларини айтинг..." деб тургандай эди...

### Шойим БЎТАЕВ



# ТОҒЛАР ОЛИСДАН АЁН КЎРИНАДИ

Эссе

оёқланг юрар эдик. Чунки унинг "От эгаси" билан ҳар кун учрашардик, ҳикоя қарамони Инод ҳам бегона эмас эди-ю. Фақат, исми бўлакча. Ўзи ҳақида ҳикоя яратилганини ҳам билмас, оти ҳам ўша от эди, мактаб ҳам ўша мактаб эди.

Чунки биз ҳам турналар карвони ортида қолиб, ҳатто кулаб тушган "Чўлоқ турна"нинг аҳолини кузатган эдик. Бироқ, табиат қонуни жамият ҳақидаги тасаввурларни тўғри йўналишда солишни ҳали билмасдик. Ҳаёт кураш-тўғри ибодат, деган сабоқларни тингланганди-ю, кучсизларни табиат ҳам, жамият ҳам бирдек рад қилиши ҳали бизга номаълум эди.

Энди биз ҳам унга яқинлашишни истар эдик. Шу сабабли бу яқинлик талабалик йилларимиздаям, ундан кейин ҳам йўқолмади, аксинча, тобора мустаҳкам-ланиб, қадрдонлашди.

Шукур Холмирзаевнинг "Ҳаёт абадий" деган машҳур ҳикояси бор. Ҳикоя қарамони совхознинг бош агрономи Нодир Рузуюлов мажлисдан қаттиқ танқид еб чиқадиган, мана шу битта кўнгилсизлик бошқа кўнгилсизликларни келтириб чиқаради: қайнонасига қаттиқ гапирган эди, у қизини олиб кетади, ўзини қолмоқчи бўлган қўшиннинг қучғини ҳам аяб ўтирмай қўшиндан гап эшитиб олади...

У охири-оқибатда бўшашиб йиқилади... ва гўёки ўлиб қолади!

Шунда унинг теварак-атрофида нима ўзгаради? Ҳеч нима!

Ҳаёт Нодирсиз ҳам давом этаверади... "Уша кечаги серюлдуз осмон ҳам, оппоқ юлдузлар ҳам ўз ўрнида... Дараклар, ёмғир... Шабада."

Нодир чўчиб ўзага келади ва яна ўрнидан туриб кетиб бу ҳаётдаги ўз ишини давом эттиришга киришади. Ҳикоя чуқур ижтимоий мазмунини ўзида ифода этганидан ташқари, ҳар қандай ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайди: ахир, қунарлар бир кун, борди-ю, ўлиб-нетиб кетсанг сен билан боғлиқ бу дунёда ҳам нимадир ўзгарishi керак-ку, ахир, бу дунё ҳам сени йўқотган нимадир йўқотиши керак-ку? Жилла курс, фалончи ўлибди, деган садо қикиши керак-ку? Улик-тириги биланмай яшаган инсон учунгина икки дунёнинг фарқи бўлмаслиги мумкин, лекин, ор, ному ҳикоя қарамонининг шунчаки ўлиб кетишига изн бермайди.

Ёзувчининг "Қария" ҳикоясидаги Қўзвой деган касби бетайин элгиз чол бозор қунарлидагина жарчилик қилиб кун кечиради. Шу қария бўлса ўлимлигига асраб қўйган пулини Қўбил деган таниш қасосба омонат сақлаб туриш учун беради. Мабодо қазом етса, қўмасан, дейди. Қасосба ҳам пулни олади-ю, феъли айниқса, омонатга хиёнат қилади. Қунарлардан бир кун Қўзвой чол пулини сўраб қолганда у пулни олгандинан тонади. Қўзвой чол бундан анча азият чекади, бироқ, у ҳам хиёнатдан ор, ному орқали қасос олади.

"У жимжит уйда, палос устида чўзилди ётиб, шу фикрга келди: "Бу аҳволда мен қандоқ қилиб ўлман?" Асти мумкин эмас, сираям... Мен яна меҳнат қилишим керак. Ҳалол пул топшим керак. Улимлик қилишим керак... Ундан кейин ўлсам, бошқа гап..."

У қўшни чиқарган овқатни зўрлаб еди. Ярим кечада туриб, гўшт қовурди. Сахар уйғониб, сойга тушди. Ювинди. Тетиклиниб, кўчага йўл олди.

Қўзвой чол аввалгидек бўлиб кетди. Бу ҳикоялар инсонни яшашига, яшайдаям ҳалол, пок-иза яшашига ундайди, ҳаётга кўзгу тўтиб, чиркин нарсалардан нафратлантира олади.

Яшаш фақатгина шу ҳаётданми? Шу ор, шу ному ҳам фақат бу ҳаётда яшаб қолиш учун зарурими?

Энди "Табассум" ҳикоясини ўқиб бошлайсиз... Жалил ака, одамлар айтишчаки, Жалил ота қарақт тортиб қолган, у ўсма, яъни рақ билан оғриб қопти. Бундоқ ўйлаб қараса, ўзимиз ёшлар билан, қурдошларидан ҳамма кетиб бўпти, ўзидан икки-уч ёш катта Нормат қопти, холос.

"Юраги бутун экан-да! Ҳа, унинг юраги бутун, — Жалил ота юраги гашланиб ўйлаб бошлади. — У бошқача. Емонга, номардага ўлим йўқ дейдилар-ку! Ҳа-е, майли. Уям яшасин. Барибир дунёга устун бўлмайди. Бировга ўлим тиланганда..."

У заминнинг рақ экани, яъни ўсма касалига мубтало бўлганини эслаб аянчи қилмайди. Қунар ўтди, ой ўтди. Шундай қунарнинг бирини ўзини ҳовлисида югур-югур бўлиб қолади, сабаби аён — невараси Садафга совчилар келган. Уни Норматнинг неварасига беришмоқчи... Тўй бўлиши керак, ҳаммаям Жалил отанинг қўзи очлигида тўйни ўтказиб олсам дейди.

Буни Жалил ака истармиди? Энди ҳикоя якунига қўлоқ тутинг!

Армиядан қайтиб келиб, "Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") болалар газетасига ишга кирдим-ю. Шукур Холмирзаев билан Ватан мавзусида сўхбат қилмоқчи бўлдим. Чунки унинг "Ёввойи гул", "От эгаси", "Ота юрт" сингари кўплаб ҳикояларига бу мавзу бошқаларга ўхшамаган ҳолда, ўзаига хос тарзда ифода этилган деб ҳисоблардим (бу фикр йиллар ўтган сайин янаям мустаҳкамланиб бормоқда).

Газетамиз адабиёт бўлими мудири, ажойиб болалар шoirи Ҳамза Имомбердиев билан бир хонада ўтирдик. Мен Ҳамза акадан Шукур Холмирзаевнинг телефон рақамини топиб беролмайсизми, деб сўрадим. Ҳамза ака менга ҳам ажабиниш, ҳам ҳайрат билан қараб туриб, болаларча самимиёт билан:

— У-ху, сўраган одамнингизни-ю... Бизда унақа катта одамларнинг телефон рақамлари қаёқдан ҳам бўлсин... У киши тирик классик-ку, тирик классик... — деди.

— Шу классик билан газетамизга Ватан ҳақида сўхбат қилиб бермоқчи эдим, — дедим.

Бу таклиф Ҳамза акага ниҳоятда маъқул келиб: — Қанайди-ку... — деди ва у ёқ-бу ёққа кўнгирик қилиб, дарҳол Шукур аканинг уйининг телефон рақамини топиб берди.

Мен Шукур акага телефон қилиб, мақсадимни тушунтирган эдим, у киши:

— Уйга келинг, — деди қалта қилиб ва истикомат мандилини тушунтирди. "Болалар дунёси" дукони орқасидагиди асосан ижодкорлар яшайдиган кўп қаватли уй.

— Хўп, — дедим-да, дарҳол саволлар ёзилган қозғони олиб йўлга тушдим.

Уй эшигини Шукур аканинг ўзи очди. Салом-алиқдан сўнг мен тузган саволларга анча вақт жиддийлик билан тикилиб қолдим:

— Ватан сўзини кўп ишлатиб юборибсиз, — деб қўйди. Нима дегаримни билмадим. Назаримда, мен тузган сарқаларга у киши шу захотиёқ шариллатиб жавоб айтиб юборадигандек бўлиб туюлган эди.

Лекин ақинча бўлиб чиқди. — Мен аввал бир ўйлаб қурай, — деди Шукур ака ўша-ўша жиддийлик билан, — кейин хабарлашаримиз... Мен хайрлашиб, чиқиб кетдим.

Қайтиб борсам. Ҳамза ака катта қизиқиб билан нима бўлганини сўраб қолди. Бўлган воқеани айтиб бердим. У киши кўнглимни кўтармоқчи бўлгандек, уч-тўрт кун ўтиб яна бир эсларига солиб қўйинг, ҳозир бирорта жиддийроқ иш билан банд бўлсалар керак-да, деб қўйди.

Мен Ҳамза аканинг гапларини маъқулладим, лекин Шукур ака билан бошқа хабарлашмадим. Саволлар у кишига маъқул бўлмади, деган уйда эдим.

Қунарлардан бир кун ҳеч қутилмаганда ўша ҳаммага таниш бўлган машҳур шляпада Шукур ака хонамиз эшиги остонасида пайдо бўлди. Ҳамза ака мен сўхбат қилмоқчи бўлган "тирик классик"нинг ўз оғви билан кириб келганига ишониб-ишонмай, Шукур акага илтифот кўрсатиб, у киши билан қўлоқ саломлашди-да, бизга шариот яратиб бериш учун бўлса керак, ўзи хонани тарқ этди.

Шукур ака дереза ёнидаги курсига чўчиб, бироз кўчага қараганча нималаридир ўйлаб хаёл суриб турди. Кейин мен томон ўгирилиб:

— Чеқсам бўлганими? — деб сўради. Шундай улар одамнинг руҳсат сўраётгани мени хижолатга солиб, зўр-базур бош иргаб қўйдим.

У киши сигарет тутатиб сўз бошлади: — Яқинда Бойсунда бўлиб қайтдим... — мен томонга илкис қараб қўйиб, — сиз анави саволларингизни ташлаб кетганингиздан кейин, — дея давом этди, — тепалиқнинг қир учидан бир гуҷум бўлар эди, болалигимизда шу гуҷум остида ўйнар эдик. — Шукур ака хўрсиниб қўйган, негадир менга уқтирмоқчи бўлаётгандек қаттиқроқ товушда яна улай кетди, — шу-у борганимда ҳам улфатчил-ю, меҳмондорчиликлардан қочиб ўша гуҷумни кидириб кетдим... Анча қарибди... Ёлғиз ўзим эдим. Қушлар ҳамон илгаригидек сайраб турипти. Сигарет тутатиб, гуҷум остида ўтираверибман, ен-атрофимдан чуғур-чуғур болалиқдаги овоз-шовқинлар келиб тургандек бўлди. Кун пешиндан оғабганда борган эдим, ҳамон чеқиб ўтираверибман, кеч кирибди, қўёш ботиб қоронғилик қўчибди, мен эса ҳамон ўтираверибман... Бир маҳал жунжиқиб кетиб мундо-оқ ўзимга келиб қарасам, ҳаммаёқ қол-қоронги... Бейхитёр осмонга қарадим: юлдузлар гуҷ-гуҷ, шу қадар яқин... билмай қолибман, кўзимдан ёш оқиб турган экан...

Шукур ака шу сўзларни айтган, қўлидаги сигаретдан яна бир-икки чуқур-чуқур тортиб, ҳавога ту-

1

2

3

Давоми бор

О.ВОСИХОНОВ чизган сурат.

## КУЗАТУВ

### Қалби бутун болакай

"Бепарволик минг турли ситамларнинг сабабчидир", деган экан муомтоз шоирлардан бири Абдурахмон Жомий.

Автобусдан. Ҳар хил одам, турли кифоалар орасидан бир оёғи сон қисмидан кесилган, кўлтиктаёққа таянган, кўзлари поллаб турувчи болакай эътиборимни тортди. Унинг кўзларида ғам учкунлари йўқ, у атрофдаги одамларга қизиқувчан нигоҳ билан қаради. Шу тоб автобус тебраниши натижасида болакай ўрта ёшлардаги бир аёлга туртиниб кетди. Кўринишдан эиёлига ўхшайдиган аёл "Кўзингга қарамайсанми?", дея ўшқирганча кийимининг бола бадани теккан жойини (аслида ҳеч қандай чанг теккани йўқ) қоқа бошлади.

Қизиқ, агар бу болакай шу аёлнинг фарзанди бўлганда-ю, қимдир унга нописанд қараганида эди,

"опахон"имиз ўзини қандай тутар эди-а?

Шу савол гирдобиди турарканман, болакайнинг кийналибгина бўш ўриндикқа ўтираётганига кўзим тушди. Атрофдагиларни кузатаётган бола ногоҳ хижолат тортиб, эндигина автобусга чиққан кекса отахонга ўрин бўшатмоқчи бўлди.

Мана, гарчи ногирон бўлса-да, болакайдаги рухий бутунликнинг намунаси! Холбуки, унинг атрофидаги ўриндикларда бир қанча навоқирон ёшдаги "соғ"лар ўтиришарди. Аммо уларнинг кўзи ёши улуг кишига тулган захоти бири эъраки "ухлар", бири берилиб "ки-тоб ўқир", яна бошқалари ша-хари биринчи марта кураёт-гандек-деразадан ташқарига термулишарди...

Меги яна бир савол кийнади: агар ўша аёл шу бо-ланинг ички оламига назар солишга вақт топганида

эди, ундан оналик меҳри-ни қизганармиди?! Аслида автобусдаги бу одамлар орасида шу ногирон бола-кай каби инсоний меҳрни

юксак қадрлайдиган бошқа биров бормиди? Маъмура ЁҚУБОВА, ЎзДЖТУ 1-босқич талабаси.

## РАССОМ ХАНДАСИ



Шевкет МУЗЫКОВАР илган сурат.

## Жалолдин РУМИЙ



### Дунёнинг ортидан қувсанг...



Энг бахтли одам — кўнглида бировга кин ва аловати йўқ инсондир.

Икки нарсанинг бахридан ўт. Биринчиси ўзни нотавон ҳис қилмоқ, иккинчиси ўзни Худодек қуратли деб билмоқ. Зеро, буларнинг ҳар иккисиди ҳам «мен» боқийдир. Токи, бу «мен» маъв бўлмас экан, «бут» бордир, «фано» мақоми эса йўқ.

Айб қилрмоқ ва таъна қилмоқ инсоннинг энг қабих иллатларидан. Кимки пок инсонларга таъна қилса, ўз ботини юзидаги пардани очиб ташлаган бўлади.

Дунё қўланкага ўхшайди. Ортидан қувсанг қочади, қочсанг — этагинга ёпишиб олади.

Ҳақиқатан хаёлда умид қилган ва мудом хаёл билан яшган одам уйқуладир, яъни гафлат уйқусиладир. Бутун эс-хушини хаёлот оламига боғлаган зот умрини беҳуда ўтказди.

Ислом СУЛТОНОВ тайёрлади.

## СПОРТ

### ПОЛВОНЛАРИМИЗ БИРИНЧИ БЎЛИШДИ


Украинада ўзбек кураши бўйича ўтказилган VII жаҳон чемпионатида ўттизга яқин давлатдан 150 нафардан зиёд полвон иштирок этди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси эркаклар ўртасидаги беллашувларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Мазкур муваффақиятда бир қатор спортчиларимизнинг хизматлари катта бўлди. Жумладан, 100 килограмм вазн тоифасида Давлат Чориев барча рақибларидан устун келган бўлса, 90 килограмм вазн тоифасида Шерали Жўраев тенгсиз эканини исботлади. Ёш курашчиларимиздан бири Шароф Холмаатов эса 81 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзоларидан Сухроб Худойбердиев ва Яҳё Имомов кумуш, Шухрат Муродов эса бронза медали билан тақдирланди.



Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Соҳибжамол Холиқулова олтин медални қўлга киритди. Муқаддас Кубаева эса ўз фаолияти давомида иккинчи марта жаҳон чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлди. Шунингдек, Шоҳида Назарова, Махлиё Сатторова, Ўғилей Нуралиева, Гулмира Исмаиловалар терма жамоамиз ҳисобига биттадан кумуш медал келтирди. Натижада юртимиз хотин-қизлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

### ДАЪВОГАРЛАР ҲОЗИРЧА УЧТА

Жалқаро олимпия кўмитаси 2018 йилги киши Олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра Германиянинг Мюнхен, Франциянинг Анси ва Жанубий Кореянинг Пхенчхан шаҳарлари мусобақага мезбонлик қилиш учун асосий номзодлар бўлиб турибди. Бу ҳақда DPA ахборот агентлиги хабар тарқатди.



Мазкур шаҳарлар Халқаро олимпия кўмитасига расмий равишда талабнома юборганидан сўнг махсус экспертлар уларнинг ҳар бирини ўрганиб чиқишди. Якуний хулосалар — номзод шаҳарнинг номи 2011 йилда Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида маълум қилинади.

### ЖАРОҲАТИ ТУФАЙЛИ

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси ҳужумчиси Уэйн Руни жароҳати туфайли Европа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари доирасида 21 октябрда Москвада ЦСКА футбол клубига қарши кечадагидан учрашувда майдонга тушмаслиги мумкин. Бу ҳақда «Манчестер Юнайтед» жамоаси бош мураббийи сэр Алекс Фергюссон Sky Sports нашрига берган интервьюсида айтиб ўтган.



### ЎЙЛАМАЙ АЙТИЛГАН ГАПЛАР ҚИММАТГА ТУШДИ



Машҳур футболчи Диего Марадона Аргентина терма жамоаси мураббийи лавозимидан четлатилиши мумкин. Бунга ЖЧ-2010 саралаш доирасида ўтказилган Уругвай-Аргентина учрашувидан кейин Диего Марадона Аргентина телевиденисида қилган чиқишида тўғридан-тўғри эфир орқали уни терма жамоаси жаҳон чемпионатида олиб чиқишига ишонмаган кишиларни ҳақорат қилгани сабаб бўлмоқда. Айни кунларда Халқаро футбол федерацияси мураббийнинг ахлоқи юзасидан расмий равишда суриштирув олиб бормоқда. Диего Марадона эса қилган хатоларини тушуниб, биринчи навбатда аёллардан кечирим сўради.

Бу ҳолатга ФИФА президенти Йозеф Блаттер муносабат билдирар экан, Диего Марадона ва унинг атрофидагиларнинг хатти-ҳаракатлари махсус комиссия томонидан Интизом кодексига мос равишда текширилиши, таъкидлади.

Эслайтиб ўтамай, Интизом кодексининг 55-моддасида одамни ёки гуруҳ кишиларини ҳақорат қилиш, шунингдек, ирқий ва диний камситиш кескин равишда жазоланиши белгиланган. Шундан келиб чиқилганидан бўлса, Диего Марадона Интизом кодексига биноан бешта расмий ўйинда дисквалификация қилинади ва 20 минг Швейцария франки миқдориди жарима тўлаиди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.



“Агробанк” — 2003, 2004, 2007 ва 2008 йилларда Ўзбекистон “Йил банки” танлови совриндори

“Агробанк” — таниқли Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг “Барқарор” тоифасидаги тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлган банк.

# «АГРОБАНК»

## очиқ акциядорлик тижорат банки


### таклиф этади

- миллий ва хорижий валюталардаги ишончли ва юқори фойзли даромадли омонатлар;
  - жисмоний шахслар учун истеъмол кредитлари;
  - юридик шахслар учун имтиёзли кредитлар:
- инвестицион лойиҳаларни такомиллаштириш учун (янги замонавий технология ва жиҳозларни жорий этиш учун);
  - деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, жумладан, қишлоқ хўжалиқ техникалари, қишлоқ хўжалиғи учун зарур бўлган ёрдамчи ашёлар харид қилиш учун;
  - экспортга қаратилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, асосан қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга қаратилган технологиялар хариди учун.

Шунингдек, қулай пластик картларини таклиф этади:

- барча учун сўм пластик картлари ҳамда ёш оилалар ва талабалар учун имтиёзли сўм пластик картлари;
- VISA Card тизимининг хорижий валютадаги пластик картлари:

### VISA Electron



Visa Electron - дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли миқозлар, талабалар, ёшлар учун таклиф этилади.

### VISA Classic



Visa Classic - универсал тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қўлайдир.

### VISA Gold



Visa Gold - энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёхатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.

“Агробанк” — бу пойтахтдан бошлаб давлатимизнинг чекка ҳудудларигача ўзининг филиаллари ва мини банкларига эга бўлган йирик ва универсал банкдир. 77 000 акциядор ва 1300 000 дан ортиқ миқозларига хизмат кўрсатувчи ишончли банк (260 мингта юридик шахслар ҳамда омонатчи ва пластик карт эгалари). Бизнесингиз ривожини сари барқарор ҳамкорни танланг!

## “АГРОБАНК” — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК БОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

Хизматлар лицензияланган.

**HURRIYAT**  
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Илҳом: яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурауф ЖУМАКУЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тулан НИЗОМ, Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шероф ФУЛОМОВ

Тахририятга келган хатларга Ўзми жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51  
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11	Қашқадарь — 8-375-310-17-73
Андижон — 8-374-250-90-39	Сирдарё — 8-372-366-99-21
Бухоро — 8-365-592-85-02	Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Самарқанд — 8-366-233-62-12	Фарғона — 8-373-225-80-58
Тошкент — 8-370-383-97-53	Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 17.30

© — тижорат белгиси.

Адади: 10065 Буюртма — Г-926 123 5